

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Магистратура бўлими

“Молия ва сұғурта хизматлари” кафедраси

“Химояга тавсия этилди”

Кафедра мудири, проф.

Ж.Р.Зайналов

Баённома № 2018 йил май

5А230601 – “Давлат молиясини бошқариш” мутахассислиги

МДМ-116 гуруҳ магистранти

Очилов Мирзабобур Мирзакаримовичнинг

**“Молия бозорида молиявий воситалар орқали амалга
ошириладиган операциялар ва уларни бошқаришни
ривожлантириш (Қимматли қофозлар бозори фаолиятини
мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Маркази Самарқанд
вилояти бошқармаси маълумотлари бўйича)” мавзусидаги**

МАГИСТРИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

**Илмий раҳбар: проф.
Ходжаев Э.Н.**

**Илмий маслаҳатчи: и.ф.н.
Тўхсонов X. - ЎзР Молия
Вазирлиги бошқарма
бошлиғи муовини**

САМАРҚАНД – 2018

Мундарижа

Кириш	4
I Боб. Молия бозори ривожланишининг назарий асослари	
1.1. Замонавий молия бозорини ривожлантиришнинг аҳамияти.....	11
1.2. Молия бозорида қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришнинг назарий асослари.....	15
1.3. Молия бозори сегментида қимматли қоғозлар бозорининг вазифалари.....	20
II Боб. Молия бозорида молиявий воситалар орқали амалга ошириладиган операцияларни ташкил этиш амалиёти	
2.1. Молия бозорида қимматли қоғозлар бозорининг таҳлили.	27
2.2. Молия бозори таркибий тузилмасини амалдаги холати ва молиявий воситалар операцияларининг ривожланиш тенденциялари.	33
2.3. Молия бозорида қимматли қоғозлар бозори ролини ошириш имкониятлари.....	38
III Боб. Молия бозорида молиявий воситалар орқали амалга ошириладиган операцияларни бошқаришни ривожлантириш	
3.1. Жаҳон амалиётида ҳосила молиявий воситалар орқали амалга ошириладиган операцияларнинг зарурияти ва ривожлантириш омиллари.....	41
3.2. Молия бозорида амалга ошириладиган инновацион- операцион операцияларни гурӯхлаш орқали янги молиявий воситаларни жорий этиш имкониятлари.....	47
3.3. Молиявий инновацияларни вужудга келиши билан боғлиқ молиявий воситалар билан операцияларини бошқаришнинг тартиблаштириш ва ривожлантириш йўллари.....	52
IV Боб. Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини	

**мувофикаштириш ва ривожлантириш маркази Самарканд вилоят
бошкармасида ҳаёт фаолияти хавфсизлигини ҳолати ва самарали
ташкил этиш йўллари**

4.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг аҳамияти.....	62
4.2. Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофикаштириш ва ривожлантириш маркази Самарканд вилоят бошкармаси ходимлари мехнат ва ёнгин хавфсизлиги доирасидаги чора.тадбирлари.....	63
4.3. Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофикаштириш ва ривожлантириш маркази Самарканд вилоят бошкармасида фавқулотда ҳолатлар доирасидаги чора.тадбирлари.....	70
4.4. Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофикаштириш ва ривожлантириш маркази Самарканд вилоят бошкармасида фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилиб келаётган ишлари ва уни мукаммалаштириш йўллари.....	75
Хуноса.....	78
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	83

Кириш

Миллий иқтисодиётнинг тубдан ислоҳотланиш ва унинг жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш даражасига етказилиши, жамиятда замонавий бозор муносабатларининг шаклланишини тақозо қиласди. Қимматли қоғозлар бозори эса, молия бозорининг таркибий қисми сифатида, бозор иқтисодиётининг негизи ва юргизувчи кучи бўлиб, миллий иқтисодиётнинг ривожланиш даражасини кўрсатиш ва унинг асосий индикатори ҳисобланади. Қимматли қоғозлар бозори хукумат ва корхоналарга ўз-ўзини молиялаштириш ва банк кредитлари билан чекланиб қолмаган ҳолда молиялаштириш манбалари доирасини кенгайтиришга имконият беради.

Иқтисодиётни модернизация қилиш ва инновацион ривожлантириш молия бозорларидаги молиявий воситалар орқали оператсиялар самарадорлигини оширишни талаб қиласди. Мазкур жараёнда молия бозори муҳим роль ўйнайди, яъни, жамғармаларни инвестицияларга трансформация қиласди ва иқтисодиёт тармоқларига инвестиция киритишга имконият яратади. Молия бозорида қимматли коғозларни бирламчи ва қайта сотиш бўйича барча операциялари қимматли қоғозлар савдо тизимлари (фонд биржаси, электрон савдо тизими, уюшмаган савдо) орқали амалга оширилади. Ушбу савдо тизимларининг узлуксиз ишлаши, капиталлашув даражаси ва айланма ҳажми юқорилиги ҳамда муомаладаги инструментларнинг ликвидлилиги мамлакат молия бозори ривожланишини белгилаб беради.

Бугунги кунда бу борада республикамизда молия бозорининг иқтисодиётдаги роли паст бўлиб, давлатнинг макроиктисодий ва фаол инвестиция сиёсати талабларига тўлиқ жавоб бермаяпти. Чунки. молия бозорлари ривожланган мамлакатлардагидек, ўзининг бош функцияси жамғармаларни инвестицияларга трансформация қилиш, яъни, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида узоқ муддатли хусусий инвестицияларни жалб қила олмаяпти. Жумладан, сўнгги ўн йилликда молия бозори орқали миллий иқтисодиётга жалб қилинган инвестициялар жами

инвестицияларнинг етти фоизини ҳам ташкил этмаган, жумладан, сўнгги йилларда мамлакатимиз қимматли қоғозлар бозорининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 1 фоизга ҳам етмай келяпти, фақатгина ўтган 2015 йилда ушбу кўрсаткич 2,04 фоизни ташкил этди¹. Бугунги кунда мамлакатда 900 мингга яқин жисмоний ва юридик шахслар 42,1 трлн сўм номинал қийматидаги акцияларга эгалик қилмоқда. 2016 йилда корпоратив қимматли қоғозлар (акция ва облигациялар) айланмаси 14,5 трлн сўм даражасида қайд этилиб, бу мамлакат ЯММнинг 7,3 фоизига тенг демакдир. Солишириш учун 2015 йилги маълумотларга эътибор қаратсақ, 2015 йилда Корея Республикасида бу кўрсаткич ўртacha 133,8 фоиз, Японияда 127,1 фоиз, Туркияда 48,7 фоиз, Германияда 43,8 фоиз, Россияда 8,6 фоизни ташкил этган.² Ушбу рақамлар қимматли қоғозлар бозори мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда етарлича ўринга эга эмаслигини кўрсатади.

Бунга молия бозорлари инфратузилмаси ривожланмаганлиги, муомаладаги қимматли қоғозлар ликвидилигининг пастлиги, биржа листингидан ўтган эмитентларнинг камлиги сабаб бўлди. Шунингдек, Ўзбекистонда молия бозорларини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари маҳсус. мустақил тадқиқот обьекти сифатида етарли даражада ўрганилмаганлиги танланган мавзунинг долзарблигини ва илмий-амалий аҳамиятга эга эканлигини белгилаб беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Молия бозорида молиявий воситалар, яъни қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришнинг назарий ва амалий масалалари хорижлик иқтисодчи олимлардан А.Басов, В.Галанов, Дж.Гитман, А.Килячков, В.Колесников, Я.Миркин, А.Навой, Э.Петере, Б.Рубцов, В.Торкановский, Л.Чалдаева, У.Шарплар³ илмий ишларида тадқиқ этилган.

¹ Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази маълумотлари

² Жаҳон банки хисобот маълумоти

³ Шарп У.. Александр Г., Бэйли Дж. Инвестиции. - Пер. с англ. - М.: ИИФРА М, 1999. - XII. 1028 с.; Гитман Дж. Основы инвестирования. - Пер. с англ. - М.: Дело. 1998. - С. 145-152; Петере Э. Хаос и порядок на рынках капитала. Новый аналитический взгляд на циклы, цены и изменчивость рынка. - М.: Мир, 2000. - 24

Мазкур масалага республикамиз иқтисодчи олимларидан С.Абдуллаев, Х.Акромов, У.Алиев, И.Алимов, И.Бутиков, Э.Н. Хўжаев, А.Вахабов, Ж.Р. Зайналов, В.Котов, Ф.Мирзаев, М.Хамидулин, Ш.Шоҳаъзамий, Ф.Юлдашевлар⁴ илмий ишларида алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, И.Бутиковнинг докторлик диссертацияси Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозори шаклланиши ва фаолият кўрсатиши муаммолари, Х.Акромовнинг номзодлик диссертацияси Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар бозори ривожланишига макроиктисодий сиёсатнинг таъсири, Ф.Хамидованинг илмий изланиши хусусийлаштирилган корхоналарга портфель инвестицияларини жалб қилиш йўллари ва таҳлили, Э.Носировнинг илмий иши қимматли қоғозлар бозорида тижорат банклари ролини ошириш масалаларига бағишлиланган.

Республикамизда молия бозорида молиявий воситалар орқали амалга ошириладиган операцияларни такомиллаштириш масалалари иқтисодий адабиётда кам ўрганилган илмий-амалий муаммо эканлиги, унинг магистерлик диссертация мавзуси сифатида танланишига асос бўлди.

Магистрлик диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. СамИСИ “Молия ва суғурта хизматлари”

с.; Миркин Я.М. Рынок ценных бумаг России: воздействие фундаментальных факторов, прогноз и политика развития. - М.: Альпина Паблишер. 2002. - 583 с.; Рубцов Б.Б. Современные фондовыe рынки. - М.: Альпина Бизнес Букс, 2006. - 423 с.; О.В. Международная финансовая интеграция коллективных инвесторов // Финансы, М., - №8. 2007, - С. 55-59; Галанов В.А., Басов А.И. Рынок ценных бумаг. - М.: Финансы и статистика, 2001. С. 239-253; Колесников В.И., Торкановский В.С. Ценные бумаги. - М.: Финансы и статистика, 2001. - 141 с.; Навой А.В. Структурный анализ международного движения капитала // Деньги и кредит. М., - №1, 2007. - С. 39-48; Килячков А.А., Чалдаева Л.А. Рынок ценных бумаг и биржевое дело. - М.: Юристъ, 2005,- 687 с.

⁴Вахабов А.В., Жумаев Н.Х., Хошимов Э.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози: сабаблари хусусиятлари ва иқтисодиётга таъсирини юмшатиш йўллари. - Т.: Академнашр, 2009. -141 б.; Шоҳаъзамий Ш.Ш. Биржевая деятельность. Учебник. - Т.: Ilm Ziyo, 2006. - 288 с.; Бутиков И., Кимматли қоғозлар бозори. - Т.: Консаудитинформ, 2001. - 496 б.; Хамидулин М.Б. Развитие финансового механизма корпоративного управления. - Т.: Молия, 2008. - 204 с.; Ходжаев Э.Н. Молия бозори ва қимматли қоғозлар. Маъруза матни. – Самарқанд. – СамИСИ. 2007. -224 б. Котов В.А. Организация рынка ценных бумаг. - Т.: Молия, 2007.; Мирзаев Ф.И. Молия бозори операциялари рискларини баҳолаш усуллари (қимматли қоғозлар мисолида): и.ф.н. дисс. автореферат. - Тошкент, 2002. - 20 б.; Абдуллаев С.П. Пути расширения масштабов использования коммерческими банками Узбекистана потенциала ценных бумаг. - Т.: «Молия», 2009. - 244 с.; Алиев У.М. Пути совершенствования функционирования инфраструктуры рынка ценных бумаг: Автореферат дисс... к.э.н. -- Ташкент, 2008. - 19 с.: Насиров Э.М. Кимматли қоғозлар бозорида тижорат банклари ролини ошириш масалалари: и.ф.н. ...дисс. автореферат. -- Ташкент. 2006. - 21 б.; Юлдашев Ф.А. Тижорат банклариннг қимматли қоғозлар билан операцияларини фаоллаштириш масалалари: и.ф.н. ...дисс. автореферата. - Тошкент, 2005. - 22 б.; Алимов И.И. Тижорат банклариннг қимматли қоғозлар билан операциялари. Ўкув кўлланма. - Т.: 2007. - 202 о.; Акромов Х.М. Узбекистон Республикаси қимматли қоғозлар бозорининг ривожланишига макроиктисодий сиёсатнинг таъсири: и.ф.н. ...дисс. автореферата. - Тошкент. 2010. - 22 б.

кафедраси илмий-тадқиқот ишлари режасига мос келади.

Тадқиқот мақсади: Ўзбекистонда молия бозорида молиявий воситалар орқали амалга ошириладиган операцияларни бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқаришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- замонавий молия бозорларини ривожлантиришни аҳамиятини тадқиқ этиш;
- иқтисодиётни глобаллашув шароитида молиявий бозорда қимматли қофозлар бозорини ривожлантиришни назарий асосларини тадқиқ этиш;
- молия бозори сегменти бўлган қимматли қофозлар бозори вазифаларига тизимдаги омиллар таъсирини таҳлил қилиш;
- молия бозорларида қимматли қофозлар бозорини таҳлил этиш;
- молия бозорларини таркибий тузилмасини амалдаги холати ва молиявий воситалар операцияларининг ривожланиш тенденцияларини ўрганиш;
- молия бозорларида қимматли қофозлар бозори ролини ошириши имкониятларини ёритиш;
- мамлакатимиз қимматли қофозлар бозорини ривожлантиришини таъминлашни устувор йўналишларини ёритиш;
- молия бозорларидаги молиявий воситалар орқали амалга ошириладиган операцияларни бошқаришни тартиблаштириш ва ривожлантириш бўйча таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот обьекти бўлиб, Ўзбекистон молия бозорларидаги молиявий воситаларни бошқариш жараёнлари ва Ўзбекистон Республикаси Давлат Рақобат Қўмитаси хузуридаги Қимматли қофозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Маркази ҳисобот маълумотлари ҳисобланади.

Тадқиқот предмети молия бозорларидаги молиявий воситалар орқали амалга ошириладиган операциялар бошқаришдаги молиявий-иктисодий муносабатлар йифиндисидан иборат.

Тадқиқот методлари. Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, кузатиш, гурухлаш, қиёсий, таққослаш, каби усуллардан фойдаланилади.

Тадқиқот гипотезаси. Тадқиқот ишида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг амалиётда қўлланилиши республикамиз молия бозоридаги молиявий воситалар орқали амалга ошириладиган операцияларни бошқаришни такомиллаштиришга хизмат қилиш мумкин.

Химояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

- миллий молия бозорида молиявий воситаларни таҳлиллари натижасида жаҳон қимматли қоғозлар бозори доирасида амалга ошириладиган операциялар асослаб берилди;
- иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қимматли қоғозлар бозори роли уни ривожлантириш борасида илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;
- Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозоридаги операцияларни бошқариш механизмини такомиллаштириш борасида уларнинг ягона ахборот базасини яратиш, транзакцион харажатларини камайтириш, янги турдаги қимматли қоғозларни бозорда жорий қилиш сегментлари ҳажмини оширишга қаратилган амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Илмий янгилиги:

- замонавий ривожлантиришни аҳамияти тадқиқ этиш асосида уларнинг иқтисодий мазмунини очиб берилди;
- молия бозорда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришни назарий асослари ёритилди;
- молия бозори сегментида қимматли қоғозлар бозорини вазифалари ёритилди;
- молия бозорини таркибий тузилмасини амалдаги холати ва молиявий воситалар бўйича операцияларини ривожланиш тенденциялари ўрганилди ва

ёритилди;

- молия бозоридаги молия воситалари орқали амалга ошириладиган операцияларини бошқаришни тартиблаштириш ва ривожлантириш йўллари ёритилди, бу борада илмий таклифлар ишлаб чиқилди ва асослаб берилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти - тадқиқот жараёнида олинган илмий хулосалардан молия бозори ва қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштиришга қаратилган келгусидаги маҳсус илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти магистрлик диссертациянинг илмий таклиф ва амалий тавсияларидан қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштиришга оид тадбирларни ишлаб чиқишида фойдаланиш мумкин. Магистрлик диссертация материалларидан олий ўкув юртларида “Молия”, “Молия бозори”, “Инвестиция” ва бошқа фанларини ўкув дастурларини такомиллаштиришда ва ўқитишида фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Маркази Самарқанд вилояти бошқармаси (20.04.2018 йилдаги № 14/ 11-сонли далолатнома) томонидан амалиётда қуллаш учун қабул қилинган.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертациянинг асосий гоялари ва натижалари қуйидаги халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида илмий маъруза кўринишида баён қилинган ва маъқулланган: “Актуальные вопросы совершенствования бухгалтерского учета, статистики и налогообложения” Материалы VII международной научно-практической конференции. Тамбов. 15 февраля 2018г. «Хизмат кўрсатиш соҳасини инновацион ривожланишининг муаммолари» мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман, САМИСИ 2017й. 25-27 май ва бошқа ташкил этиладиган илмий анжуманларда муҳокама этилган.

Магистрлик диссертация иши СамИСИ “Молия ва сұғурта хизматлари” кафедрасининг мажлисида мұхокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганини. Тадқиқот иши натижалари 4 та илмий мақола кўринишида чоп этилган .

Магистерлик диссертация ишини тузилиши. Магистрлик диссертация иши таркибан кириш, туртта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг ҳажми 87 бет бўлиб, 3 та жадвал, 5 та расмни ўз ичига олган.

I Боб. Молия бозори ривожланишининг назарий асослари

1.1. Замонавий молия бозорини ривожлантиришнинг аҳамияти

Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган, бозор муносабатларига асосланган барқарор иқтисодиётни шакллантиришнинг муҳим йўналишлардан бири сифатида молия бозори катта рўл ўйнайди. Молия бозори - тарихан пулнинг пайдо бўлиши ва молиявий муносабатларни амалга оширилиши билан пайдо бўлган. Молия бозори - бу жамиятдаги молия хизматлари бозоридир, яъни бу молия маблағларни вақтинча ҳақ тўлаб ишлатиш ёки уларни сотиб олиш юзасидан бўлган муносабатлардир. Молия бозори миллий ва халқаро хўжалик доирасида пул маблағлари эркин ҳаракатининг маҳсус шаклидир. Молия бозори - жуда кенг тушунчадир. У кенг маъноли ва мураккаб иқтисодий тоифани ташкил қиласи, ҳамда муайъян молия муассалари орқали ўзаро тасирида бўладиган мулк эгалари билан сармоя, қарз олувчилик ўртасидаги муносабатларни тасвирлайди. Ҳозирги зам он иқтисодиёти учун молия бозори ўзига хос “Асаб маркази” ҳисобланади, унинг ривожланиш даражасига қараб мамлакат иқтисодиётининг “аҳволи” ҳақида фикр юритиш мумкин, чунки молия бозорига таъсир кўрсатиб жамиятнинг иқтисодий фаоллигини бошқариш мумкин.

Миллий иқтисодиётга хорижий сармояларни киритишнинг янги молиявий воситалари. МБ ва ҚҚБнинг глобализацияланиш асослари. Миллий иқтисодиётнинг тубдан ислоҳотланиш ва унинг жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш даражасига етказилиши, жамиятда замонавий бозор муносабатларининг шаклланишини тақозо қиласи. Қимматли қоғозлар бозори эса, молия бозорининг таркибий қисми сифатида, бозор иқтисодиётининг негизи ва юргизувчи кучи бўлиб, миллий иқтисодиётнинг ривожланиш даражасини кўрсатиш ва унинг асосий индикатори ҳисобланади. Қимматли қоғозлар бозори ҳукумат ва корхоналарга ўз-ўзини молиялаштириш ва банк кредитлари билан чекланиб қолмаган ҳолда молиялаштириш манбалари доирасини кенгайтиришга имконият беради.

Зеро, жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича, мазкур соҳа ўзининг иқтисодиётга ҳаракатчанлик бахш этиш, кўплаб ижтиомий масалаларни ҳал этиш, жумладан ишсизлик даражасини пасайтириш, иқтисодий ўсиш учун асос яратиш каби муҳим вазифалари билан аҳамиятлидир.

Республикада бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳозирги палласида хўжалик субъектларининг барқарор ва самарали фаолият кўрсатиши учун етарли шарт- шароитлар вужудга келтирилмоқда. Шу билан бирга, самарали фаолият юритишида улар молиясини бошқариш каби турли иқтисодий механизмлари такомиллаштирилмоқда.

Молия бозорини ва қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2008 йил 18 ноябрда қабул қилинган Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 28 августда “ Қимматли қоғозлар бозори инфратузилмасини ривожлантиришга оид қўшимча чора- тадбирлар тўғрисида қабул қилинган қарори. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2007-2010 йилларда хусусийлаштириш жараёни янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора тадбирлари тўғрисидаги” қарори. Миллий иқтисодиётнинг тубдан ислоҳотланиш ва унинг жаҳон иқтисодиётиning ривожланиш даражасига етказилиши, жамиятда замонавий бозор мўносабатларининг шаклланишини тақозо қиласди. Қимматли қоғозлар бозори эса, молия бозорининг таркибий қисми сифатида, бозор иқтисодиётнинг негизи ва юргизувчи қучи бўлиб, миллий иқтисодиётнинг ривожланиш даражасини кўрсатиш ва унинг асосий индикатори ҳисобланади. Қимматли қоғозлар бозори ҳукumat ва корхоналарга ўз-ўзини молиялаштириш ва банк кредитлари билан чекланиб қолмаган ҳолда молиялаштириш манбалари доирасини кенгайтиришга имконият беради.

Салоҳиятли сармоядорлар ўз новбатида қимматли қоғозлар бозори

ёрдамида ўз маблағлари ва жамғармаларини кенг кўламдаги молиявий воситаларга жойлаштирилиб, шу орқали ўзларининг ҳам танлов имкониятларини кенгайтиришга, ҳам активларни мутаносиб равишда белгиланган таваккалчилик доирасида қўйилишига эришишади. Шуни айтиш жоизки, қимматли қоғозлар бозорининг муваффақиятли фаолият кўрсатишининг ягона моделининг ўзи бўлмайди. Тажрибада эса, бошқа мамлакатларда ушбу бозор яхши фаолият кўрсатаётганлиги сабабли, уни кўчиришнинг нафақат иложи йўқ, балки мақсадга ҳам мувофиқ эмасдир. Шу билан биргалиқда, шуни ҳам инобатга олиш лозимдирки, ҳар бир бозор ички ва ташқи ўзгаришлардан келиб чиқсан, доимий ривожланиш ва ўзгаришда бўлади. Булардан келиб чиқиб, шуни тоқозо этиш мумкинки, бозорлар ўзларида ҳали тўлача ташкил этилган, қотиб қолган тизимларни кўрсатмай, балки доимий ривожланищдаги органларни тасаввур этишади. Ўзбекистон иқтисодиётининг бозор тамойиллари асосида ислоҳот этилиши, сўнгги йилларда катта сезиларли муваффақиятларга эришишга йўл қўйди. Буларнинг натижасида инфляция даражаси кескин тушишига ва миллий валютанинг стабиллашиш жараёнлари амалга оширилишига эришилмоқда.

Иқтисодиётни модернизация қилиш ва инновацион йирик -ҳажмда инвестицияларни талаб қиласи. Мазкур жараёнда қимматли қоғозлар бозори муҳим роль ўйнаб, жамғармаларни инвестицияларга трансформация қиласи ва иқтисодиёт тармоқларига инвестиция киритишга имконият яратади. Қимматли қоғазларни бирламчи ва қайта сотиш бўйвча барча операциялар қимматли қоғозлар савдо тазимлари яъни фонд биржаси, электрон савдо ва уюшмаган савдо тизимлари орқали амалга оширилади. Қимматли қоғозлар бозорининг тараққий этиш даражаси мамлакат молия бозори ривожланишини белгилаб берувчи муҳим бўғинлардан бири ҳисобланади. Қимматли қоғозлар бозорининг ривожланишида унинг таркибидағи савдо тизимларининг капиталлашув даражаси айланма ҳажмининг юқорилиги, қимматли қоғозларнинг даромадлилик даражаси ҳамда муомаладаги инструментларнинг ликвидлилиги муҳим ўрин тутади. Шунингдек, қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиши

ва халқаро интеграциялашуви мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилишга кўмаклашади. Шунинг учун ҳам тараққий этган мамлакатларда қимматли қоғозлар бозорининг ривожланишига алоҳида эътибор қаратилади.

Молия бозори, қимматли қоғозлар бозори ва фонд биржалари махаллий даражада оддий бошлангандан сўнг асрлар давомида ривожланиш жараёнлари кузатилади. Иқтисодиётни молиялаштириш (валюталаштириш), тушупчаси иқтисодий объектларнинг ихтиёрий шаклдагисини, жумладан, капитал (материал ва номаторпал шаклда)-товар хусусиятига эга бўлган пул бирликларида ифодаланувчи қимматли қоғозлар билан характерланади.

Ўтган аср иқтисодий тажрибаси бир хақиқатни тўла исботлади, яъни бозор иқтисодиётининг ривожланиши учун зарур бўлган мухит бу молия бозорининг секюритизациялашган шаклдаги қимматли қоғозларидир. Самарали молия бозори эркин капитал ҳажмини таъминлаши ва давлат иқтисодий ўсишини қўллаб қувватлаши учун зарурдир.

Ўзбекистон мусақилликка эришиши билан республикада бозор муносабатлари ташкил топиши на шаклланишига олиб борувчи мухим ислохотларни амалга оширди. Бу ислоҳотлар ижтимоий химоя иқтисодиёти билан демократик жамиятни ташкил қилишга йўналтирилган Ўзбекистон ва унинг ҳалқининг барча ҳаётий сферасида намоён бўлади.

Мухим иқтисодий ислоҳотларни, токи иқтисодиётда инвестицион ресурсларни жалб қилишда самарали фаолият олиб борувчи молия бозори ташкил топмасдан туриб тугалланди деб ҳисоблаб бўлмайди. Республикада таркибий қайта қуриш жараёнида кузатилаётган иқтисодий ислоҳоглар ўз масштаби доирасида бюджет тизими ихтиёрида бўлмаган корхоналар ва аҳолида мавжуд ички молиялаштириш манбаларидан бўлмаган йирик молиявий воситаларни жалб қилишни талаб қиласди.

Агар давлатда жамғарма ва инвестицион товарлар мавжуд бўлса, уннинг молия бозори самарали ишлаши мумкин. Макроиқтисодий даражада жамғарма ўзида олинган даромадлар ва истеъмол учун зарур ҳаражатлар

ўртасидаги фарқни ифодалайди. Инвестицияга истеъмолга ишлаб чиқарилган нарсалар ҳажмидан умумий ишлаб чиқариш ҳажми ошиб кетиши кўринишида қараш мумкин. Агар иқтисодиётда ишлаб чиқариш мақсадлари учун фойдаланишга кўшимча ҳомашёлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган бўлса, бу хўжаликлар активлари ошишидан далолат беради.

Тарихий молия бозори пул ва молиявий муносабатларнинг, қимматли қоғозлар бозори эса (авваламбор акция ва облигациялар)ни пайдо бўлиши билан юзага келди ва бу ўз навбатида биржаларни вужудга келишига сабаб бўлди.

Молия бозорида молиявий воситалар ҳаракати жамғарувчи ва фойдаланувчи орасида боради. Шу сабабли иқтисодий тармоқлари аро молиявий воситалар (ресурслар)ни молия бозори орқали тақсимлаш ва қайта тақсимлаш самарали жараён эканлигини кузатиш мумкин.

Хозирги даврда “Молия бозори ва қимматли қоғозлар” хақида тушунчага эга бўлиш учун “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (2008 йил 22 июл) асосида ташкил этилиши керак. Мазкур Қонунинг асосий мақсади - қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи амалдаги қонунларнинг бирхиллаштиришдан, уларни ҳалкаро андозаларга яқинлаштиришдан, шунингдек хорижий молия бозорларига интеграциялашиш учун зарур шароитларни яратиш йўли билан мамлакатимиз қимматли қоғозлар бозорининг жадал ва жўшқин ривожланишини таъминланишидаи иборат.

1.2. Молия бозорида қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришнинг назарий асослари

Марказлашган бюрократия бошқаруви даврида қимматли қоғозларга фақат қалбаки капитал - ишлаб чиқариш усулига бегона тоифа сифатида қараб келинган. Ўзбекистон Республикасида бундай қоғозлар бозори у мустақиллик йўлини танлаган, жаҳон тарихидан ёш, мустақил давлатларнинг

бозор иқтисодиётига кириш даври сифатида жой олган XX асрнинг 90 кичик йилларидан кейин шаклланди ва ривожлана бошлади.

Мамлакатда бошланган кенг қўламли хусусийлаштириш жараёнлари бу бозор шакланиши учун асосий заминлардан бири бўлди. 1994 йил январида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида» ги фармони чиқиши фонд бозори ривожланишига янги туртки бўлди. Шу муносабат билан давлат корхоналарини очик турдаги акциядорлик жамиятларига айлантиришга давлат тасарруфидан чиқаришнинг бош йўналиши сифатида қаралди. Улар акцияларининг бир қисми мажбурий тарзда эркин савдога қўйилди. Янги босқич хусусийлаштирилган корхоналар акцияларини сотиб олишни истовчиларнинг барчаси учун кенг имконият очди.

Республикада давлат акциялар бозори билан бир қаторда қисқа муддатли облигациялар бозорини ҳам муваффақиятли йўлга қўйди. Давлат қимматли қоғозлари юридик шахслар учун инвестиция активларининг энг ишончли тури сифатида намоён бўлди. Депозит сертификатлари, тижорат ва банк векселлари бозорлари ҳам маълум даражада тараққий топди. Аммо қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш мурраккаб вазифаларни юзага келтирди. Бу вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш учун юзага келган вазиятни тарихий тажрибалар асосида ҳолисона баҳолаш ва бозор муносабатларини ривожлантиришда уларнинг ролини ўрганиш лозим.

И.Л. Бутиков қимматли қоғозлар бозори жисмоний ва юридик шахсларнинг қимматли қоғозларни чиқариш, уларнинг муомилада бўлиши ва сўндирилиши билан боғлиқ муносабатлари тизимиdir»⁵ деса, Ё.Абдуллаев, Ш. Шохаъзамий “...жисмоний ва юридик шахларнинг қимматли қоғозлар чиқариш, уларнинг муомилада бўлиши ва ҳақини тўлаш билан боғлиқ

⁵ Бутиков И.Л. «Қимматли когоzlар бозори» - Т., «Консоудитинформ», 2001.

амаллар бажарилишини таъминловчи бозор (тизим)»⁶ дейди. Ж.Кудайбергенов таърифича, «қимматли қоғозлар бозори - бу, молия бозорининг асосий қисми бўлиб, ҳозирги иқтисодиётда муҳим роль ўйнайди. Мулк шаклларининг хилма-хиллиги, акционерлик жамиятлари қимматли қоғозларни чиқариш йўли билан керакли маблағларни жалб қилиш, пул маблағларини қайта тақсимлашни шу бозор орқали олиб бориш механизмини ташкил этиш, пул ресурсларини макро ва микро даражада жалб қилишни таъминлайди»⁷

Иқтисодчи олимларнинг қимматли қоғозлар бозорига берилган турли таърифларини ўрганиш асосида қуйидаги фикрга келдик: қимматли қоғозлар бозори жисмоний ва хуқуқий шахсларда вақтинча фойдаланилмаётган ва даромад манбайнин қидираётган пул маблағларини қимматли қоғозлар кўринишида шунга эҳтиёжи бўлган жисмоний ва хуқуқий шахсларга бериш орқали ишлаб чиқариш жараёнини инвестициялаштиришни таъминлайди.

Ҳозирги иқтисодий шароитда аҳолини асосий ички сармоядорларга айлантириш учун уларнинг қўлидаги пул маблағларини иқтисодиётга жалб этиб, қимматли қоғозлар, заёмлар за банклардаги омонатлар бўйича тўланадиган фоиз ставкаларини кўтариш ва буни уларга маълум иқтисодий имтиёзлар бериш орқали амалга ошириш лозим. Шунингдек, қимматли қоғозлар турлари, қимматли қоғозлар бозорида кўрсатиладиган хизматлар сонини кўпайтириш ва улар бўйича ўтказиладиган операцияларнинг айримларини давлат кафолати остида амалга ошириш зарур.

Қимматли қоғозлар бозори бошқа турдаги бозорлар билан ўзаро боғлиқликда ва уйғунлашган тарзда фаолият юритади. Бу бозорининг ривожланиши ва истиқболи молия тизимида бораётган туб ўзгаришларга ва ислоҳотларга боғлиқ. Молия тизимини бозор иқтисодиёти талаблари асосида ислоҳ қилиш, фикримизча, инвестиция фаолиятининг фаоллашувини ва инвестиция маблағлари барқарор ўсишига эришишни таъминлайди. Монетар

⁶ Ё.Абдуллаев,Ш.Шоҳаъзамий «Қимматли қоғозлар».Т., «Мехнат», 1997. - 150 – бет.

⁷ Кудайбергенов Ж. «Совершенствование инструментов рынка ценных бумаг Узбекистана». //Рынок, деньги и кредит. - 2007. - 46 стр.

сиёсатни амалга оширишни таъминлаш мақсадида минимал захира талаблари дифференцияси жараёнини давом эттириш зарур.

Ўзбекистонда бозор муносабатлари вужудга келаётган бир шароитда турли воситалардан фойдаланиб, мижозларни қимматли қоғозлар бозорига жалб этиш учун қураш, банклараро рақобат улардан хорижий банк амалнётини диққат билан ўрганишни талаб этди. Ўзбекистон банкларининг янги хизматлари, хусусан, банк ишининг хориждаги маълум шакли ва усулларини ўзимизгагина хос бўлган шарт-шароитимизга мослаштириш йўли билан вужудга келтириш зарур.

Ватанимизнинг қимматли қоғозлар бозорига кириб келган янги банк хизматлари тўлиқ турғунлик мавжуд бўлган шароитда айрим янги молиявий восита - депозит сертификатларини чиқаришдан бошланди. Ҳозирги вақтда тижорат банклари депозитли сертификатлари турларини анча кўпайтирдилар. Масалан, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ўз мижозларига ушбу қимматли қоғозларни сотиб олишнинг ҳар хил шартларини таклиф қилмоқда. Ушбу банкнинг сертификатлари хуқуқий шахсларга ҳам, жисмоний шахсларга ҳам мўлжалланган. Бундан ташқари, ушбу банк фуқаролардан омонатларни пластик карточкаларга қабул қилиб (ҳам муддатли, ҳам талаб қилиб олингунча) олиш бўйича фаол иш олиб бормоқда. Бунда мижозлар билан муносабатлар махсус шартномалар асосида тартибга солинади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, мижозлар, одатда, тўлов фоизи юқори, унда белгиланган суммани олиш осон бўлган ярим йиллик муддатли омонатларни маъқул кўришади. Эҳтиёжларни қондира олиш нуқтаи назаридан жозибадорлиги туфайли пластик карточкалар кенг кўламда ривожланиб боришини таъминлаш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги фармони ва Вазирлар Махкамасининг қарорида «қимматли қоғозлар

бозорини ривожлантириш ва очик турдаги акциядорлик жамиятларини ташкил этиш йўли билан иқтисодий ислоҳотлар жараёнига аҳолини кенг жалб қилиш ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ва хўжалик юритишнинг янги шаклларига ўтишнинг устувор йўналишларидан бири”, деб таъкидланган. Бизнингча, бозор иқтисодиётининг ривожланиш жараёни яқин келажакда фонд бозорида акциядорлик жамиятлари, корхоналар ва хусусий тадбиркорлар қимматли қофозларини улкан салмоғи пайдо бўлишига олиб келади ва улар асосан акциялар бўлишига шубҳа йўқ. Чунки акциялар бошқа қимматли қофозларга нисбатан қуидаги афзаликларга эга:

- йирик пул маблағларини акциялаштириш воситасида сафарбар қилиш энг мақбул йўлдир;
- акциялар облигациялардан фарқли равища «умрбод» воситадир, яъни белгиланмаган узоқ муддатга маблағларни сафарбар қилишни кўзда тутади;
- акцияларни муомалага чиқариш учун меъёрий-ҳукуқий асослар кенг ишлаб чиқилган;
- инвесторлар учун акциялар корхонани бошқаришда иштирок этиш имкониятини туғдиради, чунки акцияларга эгалик қилиш хусусий мулкка эгалик қилишни билдиради;
- акциядан даромад олган юридик ва жисмоний шахсларга давлат томонидан солиқ имтиёзлари кўзда тутилган.

Бундан ташқари, тижорат банкларининг депозит ва жамғарма сертификатлари қимматли қофозлар бозорида муҳим ўринни эгаллайди. Бу, уларнинг ишончлилиги, харидор учун арzonлиги, гаров хусусиятлари ва муомалада эркин юритилиши билан боғлиқдир. Тижорат банклари кредит ресурсларини қўшимча равища жалб қилишга ҳаракат қилиб, инвесторларга ноанъанавий хизматлар, жумладан, депозит ва жамғарма сертификатларини муомалага чиқаришни таклиф қилиб, маблағларни жалб қилиш усулларини диверсификациялашга интилмоқдалар. Тижорат банклари меъёрий асосларни ишлаб чиқиб, солиқقا тортишнинг эгилувчан сиёсатини қўллаш орқали

инвестор ва банкирларни қимматли қоғозлар бозорининг ушбу истиқболли тармоғига жалб қилишни кучайтиришлари зарур.

Бизнингча, пул сертификатининг барча хоссаларига эга бўлган ҳамда товар ва хизматлар учун хисоб-китоблар воситаси вазифасини бажарувчи банк вексели мохиятини ошириш лозим.

Қимматли қоғозлар бозорининг энг фаол иштирокчилари бўлган тижорат банклари давлат облигациялари бозорида асосий иштирокчига айланиши керак. Фикримизча, тижорат банклари малакали кадрларга эга бўлган тақдирда қимматли қоғозлар бозорининг маърифий ривожланишини таъминлаш қудратига эга. Чунки, улар қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар, депозит ва жамгарма сертификатлари, векселлар) эмитентлари вазифасида ва инвестиция тизимлари ҳамда инвесторлар сифатида фаолият юритишлари мумкин.

1.3. Молия бозори сегментида қимматли қоғозлар бозорининг вазифалари

Мамлакатимиз молия бозорини тартиблаштириш тизими ўзига хос бўлиб, унда банклар, инвестиция институтлари, сугурта ташкилотлари, фонdlар, институционал инвесторлар ёки чакана инвесторларнинг яққол устунлиги кузатилмайди. Пул, валюталар, корпоратив ва давлат қимматли қоғозлари, сугурта инструментлари, кредит ва банкларнинг бошқа инструментлари бозорлари каби алоҳида сегментлари ҳозирда ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлмай, хар бири турли ваколатли давлат органлар томонидан алоҳида тартибга солинади.

Молия бозорида акциядорлик компаниялари корпоратив бошқарув тизими континентал моделга асосланган бўлиб, ички нодавлат инвестициялар ҳажмининг камлиги, хусусийлаштириш механизми кам самарали бўлгани ва регуляторларнинг кўп сонлилиги, банклар, сугурта ташкилотлари ва бюджетдан ташқари фондларнинг етарлича инвестицион

самара - билан ишламаётгани сабабли, барча ўтиш иқтисодиётига мансуб мамлакатлар сингари маълум даражада муаммолар келиб чиқмоқда.

Миноритар акциядорлар улушлари камайиши ҳисобига йирик акциядорлар пайдо бўлиши, натижада инвестициялар сифатидаги молиявий ресурслар жалб қилиниши сусайиши қузатилмоқда. Чунки йирик инвесторлар корпоратив манфаатлари ила компанияларда устувор мавқени эгаллаб, ташки портфел инвестициялар оқимиға тўсқинлик қиласидар, бу эса янги эмиссияларга йўл бермайди, листинг даражасидан узоқлаштиради. Қимматли қофозларнинг очик бирламчи ва давомий узлуксиз иккиламчи бозори ривожига салбий таъсир кўрсатади. Кўпчилик ички стратегик инвесторлар акцияларини йирик пакетлари доирасида компанияларига узоқ муддатли қўшимча инвестицияларни йўналтиришни кўпдан хоҳламайдилар, балки иложи борича компаниянинг ички резервлари ҳисобига ўзларининг сарфлаган капиталлари қайтимиға қизиқадилар, бу эса компаниянинг капитализация даражасини кескин пасайтириб, модернизациялаштириш ва инвестицияларга муҳтоҷлигини кескин оширади.

Банк тизими модели англо-саксон моделидан фарқли кўпроқ Германиядагига ўхшаш моделга асосланганлиги банкларни молия бозорларида тўлиқ қонли инвестицион ва кредит операцияларнинг ташаббускори ва катализатори сифатида фаоллик қилишига тўсқинлик қилмоқда.

Суғурта тизими ҳали яхши ривожланмаганлиги ва инвестицион ресурслари, камлиги, ҳамда фонд бозорида тўғридан тўғри портфел инвестициялар билан шуғулланмаганлиги сабабли, улар на корпоратив бошқарув тизимида, на бирламчи на иккиламчи бозорларда фаоллиги сезилмаяпти. Бюджетдан ташқари фонdlар фақат давлат қимматли қофозларига инвестициялар қилиш билан чекланганлар, акциялар бозори улар учун жуда рискли. Инвестиция институтлари, айниқса инвестиция фонdlари ва компанияларнинг инвестицион ресурслари хажми ва менежменти сифати жуда паст, улар асосан хусусийлаштириш механизми омили таъсири остида қолганлар.

Нисбатан кўп вақт давомида хусусийлаштирилган компанияларда давлатнинг ихтиёрида акцияларнинг йирик пакетлари туриб қолганлиги ва уларда корпоратив бошқарув ва менежмент тизими самарасиз қолганлиги, натижада реструктуризация самарасиз амалга оширилиб, модернизация қилинмай молиявий аҳволи борган сари ёмонлашиб борганлиги сабали, давлат ресурсларининг кўп қисми стратегик ва спекулятив портфел инвесторларга сотилиши қийин бўлиб келмоқда, сотилса хам йирик инвесторларга кетмоқда, натижада салбий ҳолатлар юзага келмоқда. Бунда банклар ва бошқа молия институтларянинг инвестицион фаоллиги сезилмай келмоқда, хусусийлаштириш органи эса хозирда куп мамлакатларда самара берадиган **IPO** механизмини қўллаш асосида давлат ресурсларини самарали жойлаштиришни жорий қилмаяптилар.

Давлат қимматли қоғозлари турлари ва хажми нисбатан камлиги, улар билан боғлиқ операцияларнинг сустлиги, Марказий банкнинг очиқ молия бозорларидаги операциялари сезиларли эмаслиги молия бозори ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Бундан ташқари, маҳаллий ҳокимиятлар томонидан муниципал облигациялар чиқарилмаслиги қўшимча инвестицион ресурслар манбасидан фойдаланмасликка олиб келмоқда.

Ипотека ва лизинг бозорлар етарлича шаклланмаган. Ҳанузгача экспорт лизинга ва ипотекавий қимматли қоғозлари, векселлар ва мавжудларида бошқа турдаги қимматли қоғозлар қоғозлар йўқ. Активлар секьюритизацияси мавжуд эмас. Молия инженерияси ва унинг инновацион маҳсулотлари таркиб топмаган ва ҳ.к.

Мамлакатда биржалар ва биржадан ташқари электрон савдо тизимлариниши нисбатан кўплиги оборот ҳажмлари камлиги, уларнинг барчасини тижорат ташкилотлари эканлиги, мос равишда ҳисоб юритиш, савдо ва ҳисоб-китоблар ўтказиш бўйича тегишли институтлар ҳизматидан фойдаланувчи қатнашчиларнинг трансакцион ҳаражатлари миқдори кўплиги, ва ўзини ўзи мувофиқлаштириш механизмига асосланмаганлиги молия бозорини майдалашишига ва самарадорлигини пасайишига олиб

келмоқда.

Молия бозори қатнашчиларининг фаоллиги суст, муомаладаги молиявий инструментларнинг тури кам, рисклилиги ва волюталлик даражаси баланд, капитализацияси ва ликвидлилиги паст, хажми кам, обороти секин, тартиблаштириш механизми такомил эмас ва ҳ.к. Буларнинг барчаси вақтингчалик холат бўлиб, келажакда бошқа ривожланаётган мамлакатларнинг молия бозорлари сингари рақобатбардошлиқ даражасига эришиши муқаррар.

Айтиш мумкинки, ўрта ва узоқ муддатда Ўзбекистон молия бозорининг омиларнинг ижобий таъсири шароитида кескин ривожланишини башорат қиласа бўлади. Бунинг учун унда барча имкониятлар мавжуд.

Хозирда барча мамлакатларнинг қимматли қоғозлар бозори (ҚҚБ) ҳаракати тенденциялари синхрон бўлгани сабабли миллий ҚҚБ ўзаро узвий боғлиқлигини тан олиш зарур. Ушбу боғлиқликни 10 йил муддат ичида 86 мамлакат (жумладан, 10 ривожланган ва 76 ривожланаётган мамлакатлар) ҚҚБ фонд индексларининг нормаллаштирилган қийматлари бўйича ҳисоблаб топилган ўртacha чизиқли жуфтлик корреляция коэффициентларидан куриш мумкин. Бу мамлакатлар ҚҚБ улуши жаҳон капитализациясининг 97 фоизидан ортиқ. Хусусан, бу коэффициент бўйича ривожланган мамлакатларнинг ўзаро боғлиқлиги даражаси +0,81, ривожланаётган мамлакатларнинг ўзаро боғлиқлиги даражаси +0,55, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг ўзаро боғлиқлиги даражаси эса +0,57. Ушбу натижалар ҳозирги вақтда, молиявий глобаллашувнинг асосий шаклларидан бири сифатида бир бутун жаҳон ҚҚБ архитектурасини шаклланганлиги ва унинг тузилмасида барча мамлакатларнинг ҚҚБлари ўзаро синхрон ҳаракат қилишини тасдиқлайди.

Қимматли қоғозларнинг ўз комплекс (бизнес) базисидан узилиб қолиши кўп жиҳатдан охирги 20 йил ичида корпоратив бирлашишлар ва ютиб юборишлар соҳасидаги фаолликни молиявий глобаллашув шароитида кучайиб кетганлигига ҳам боғлиқ. Бу эса акцияларнинг бозор курсига

нисбатан бизнес- базиси қийматини кескин тушиб кетишига олиб келди. Чунки бундай корпоратив операциялар учун дунёда компаниялар томонидан эмиссия қилинган акцияларни сотиб олинишига катта миқдордаги пул маблағлари (97 фоиздан, яъни 3,2 трлн.доллардан ортиқ) сарфланган.

Жаҳоннинг йирик институционал (коллектив) инвесторлари ўз тасарруфидаги маблағлар ҳисобидан ҳозирда миллий иқтисодиётларга на факат сезиларли таъсир кўрсатибгина қолмасдан, балки уларни ўзгартириб юборишга хам қодирлар. Бундай институтлар миллий иқтисодиётларни ҳимоялаш билан бирга жаҳон валюта тизимини мустаҳкамлайди. Масалан, OECD таркибиға киравчи мамлакатлар сугурта компаниялари қимматли қоғозлар портфеллари умумий ҳажми жаҳон молиявий иқтисодий инқироз бошланиш даврига келиб 8979,8 млрд. долларга етди, коллектив инвесторлари ялпи активлари 700 млрд. доллардан ортиқ бўлиб, улар 1262 бошқарувчи компания томонидан бошқариладиган 22 минг фондларга жойлаштирилган. Бунда АҚШ институционал инвесторлари молия бозорларининг 75 фоизигача миқдоридаги активларни назорат қиласди, масалан, пенсия фонdlари, сугурта ташкилотлари, инвестиция компаниялари на фонdlари мустақил равишда 10 трлн.доллардан зиёд активларни бошқаради; пенсия фонлари жаҳоннинг энг йирик институционал инвесторлари мавқеига эга бўлганлар; АҚШда таҳминан 28000 инвестиция клублари мавжуд. Ҳозирда портфель навестициялари институтлари акциядорлик капиталининг бош эгаси сифатида компаниялар тақдирини ҳал қилишда сезиларли иштирок этмоқда. Бундай инвесторлар молия инжиниринги асосида қимматли қоғозлар курсини максималлаштириш ҳуқуқини амалга оширадилар ва жуда катта ҳажмларда қўшимча молиявий ресурслар жалб қиласдилар.

2007 йилнинг бошларидаги ипотека бозори қулашининг асоси бўлган ва 2008 йилнинг баҳор ойларида очиқ намоён бўлган жаҳон молиявий инқироз 2008 йилнинг баҳори ва иккинчи ярмида йирик компаниялар Bear Stearns, Lehman Brothers ва Merrill Lynch, ипотека агентлиги Fannie Mae ва

Freddie Mac ҳамда суғурта компанияси AIG кабиларни банкротлик ҳолатини эълон қилинишига олиб келди. Шулар каби Goldman Sachs, Morgan Stanley, American Express ва ҳ.қ компаниялар ҳам қийин аҳволда қолдилар. 2008 йилнинг кузига келиб дунёнинг бир қатор йирик автомобиль концерилари - Ford Motors, General Motors, CryslerJ Volvo, SAAB, Daimler-Crysler, BMW, Nissan, Honda, Toyota ва ҳ.қ.— оғир ҳолатга тушиб қолдилар.

Жаҳон йирик банкларининг бозор қийматини пасайиши уларнинг фонд бозоридаги инвестицион ва эмиссион фаолиятига, акциялари қийматини пасайиб кетишига ва бошқа инвесторлар фаолиятига жуда катта салбий таъсир кўрсатадилар.

Ўзбекистон ҚҚБда инвесторларнинг янада қизиктириш учун уларни акциялар бўйича дивиденд ва қимматли қоғозлар тафовутидан олинган фойда (даромад) солигидан 2009-2014 йилгача озод қилинди.

Ўзбекистонда ҚҚБни ўрта ёки узок муддатга мўлжалланган стратегик ривожлатириш концепциясини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бунда ҳам қимматли қоғоз ва унинг бизнес-базаси ҳам ҚҚБ ва реал иқтисодиётнинг ўзаро эквивалентлилиги тамойилини таъминлашга асосланган ва шу негизда қулай (S-1)-мухит яратувчи молия бозори макрорегулятори концепциясини назарда тутиш лозим.

Юқорида айтилганларни ва Ўзбекистондаги барқарор ҳолатни инобатга олган ҳолда, жаҳон молиявий ииқироз мамлакатимиз иқтисодиётига сезиларли таъсир кўрсатмади. Чунки Ўзбекистон молия бозори ва иқтисодиёти жаҳон молия бозори ва глобал иқтисодиётга тўлиқ интеграциялашиб улгурмаган, миллий инвесторлар ҳорижий инвестициои активларга кўн миқдорда эга эмас. Хусусан, бунинг учун экспорт салоҳиятини барқарор ошириш, иқтисодиётни диверсификациялаш ва модернизациялаштириш, инфляция ва иқтисодий ўсишни белгиланган даражада ушлаб туриш, ҚҚБни нкхисодиётнинг “барометри” даражасига келтириш ва унда инвесторлар ва эмитентлар учун қулай (S-1)-мухит яратиш борасида стратегик ривожлантириш, экспорт товарларини диференциация ва

позициялаш мақсадида самарали фискал ва монетар сиёсатларни олиб бориш мақсадга мувофиқлигини ўз вақтида ва чуқур англаган Ўзбекистон Ҳукумати ва Марказий банки самарали ишлар олиб бормоқда. Хусусан, давлатимизнинг оқилона олиб бораётгап ижтимоий ва макроиқтисодий сиёсати доирасида мамлакатимиз иқтисодиёти реал секторининг жаҳон молиявий инқироздан ижобий фойдаланишини таъминлаш мақсадида тижорат банклари ликвидлилигини ошириш, корхоналарнинг сарф-ҳаражатларини камида 20 фоизга камайтириш, молиявий барқарорлиги ва капитализация даражасини ошириш бўйича Ҳукумат ва Марказий банкнинг аниқ чора-тадбирлари ҳозирда ўз самарасини бермоқда.

II Боб. Молия бозорида молиявий воситалар орқали амалга ошириладиган операцияларни ташкил этиш амалиёти

2.1. Молия бозорида қимматли қоғозлар бозорининг таҳлили.

Сўнги йилларда мамлакат қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш учун бир қанча ислоҳотлар амалга оширилиб, ушбу соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш борасида бир неча меъёрий-хуқуқий хужжатлар қабул қилмоқда. Қимматли қоғозлар бозорини риважлантириш бўйича изчил равишда ишлар амалга оширилаётган бўлса-да, соҳада ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжудлигини таъкидлаш лозим. Куйида мазкур соҳага оид асосий кўрсаткичларни таҳлил қилиш орқали мамлакат қимматли қоғозлар бозори ривожланиш даражаси ва муаммоларига тўхтаб ўтамиз.




1-расм. Қимматли қоғозлар бозори айланмасининг ўзгариши⁸

Юқоридаги 1-расмда мамлакатимиз қимматли қоғозлар бозори айланмасининг 2009-2016 йилларда ривожланиш кўрсаткичлари таҳлил

⁸ Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази маълумотлари

қилинган. Қайд этилган 2009 йилда қимматли қоғозлар бозори айланмаси 749,6 млрд. сүмни ташкил этган бўлса, 2012 келиб мазкур кўрсаткич 2093,5 млрд. сўмга ошган. Қимматли қоғозлар бозори айланмаси 2013 йилга келиб 977,4 млрд. сўмга пасайган. 2014 йил ушбу кўрсаткич 1327 млрд. сўмни ташкил этган. Мазкур кўрсаткич 2015 йилга келиб кескин ўзгарган, 264,4 %га ўсиб, 3508 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2016 йилда максимал натижа 14460 млрд. сўмни ташкил этган. Ривожланган мамлакатларда қимматли қоғозлар бозори ёки фонд биржаси капитализациясининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши (ҚҚБ/ЯИМ кўрсаткичи) жуда юқори бўлиб, бу кўрсаткич Нью-Йорк ва Токио фонд биржаларида 70-90 фоизни, Корея ва Лондон фонд биржасида 100-120 фоизни, Гонконг фонд биржасида 1000-1200 фоизни ташкил этади.⁹




2-расм. Бирламчи ва иккиламчи қимматли қоғозлар бозори айланмаси¹⁰

9 Жаҳон фонд биржалари федерациясининг йиллик ҳисоботлари ва www.world-exchanges.org сайти маълумотлари

¹⁰ Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази маълумотлари

Юқоридаги 2-расмдан кўриниб турибдики, таҳлил қилинган 2009-2016 йилларда умумий қимматли қоғозлар бозорининг жуда катта қисми бирламчи бозор ҳиссасига тўғри келган. Фақатгина 2011 йилда умумий қимматли қоғозлар бозорида иккиламчи бозорнинг устунлиги кузатилган. Сўнгги йилларда иккиламчи бозорнинг ҳиссаси кескин пасайиб, умумий қимматли қоғозлар бозоридаги улуши 2013 йилда 16,9 фоиз, 2014 йилда 9,1 фоиз, 2015 йилда 7,5 фоиз, ўтган 2016 йилда 8,8 фоизни ташкил этган.

Бу ҳолат фонд бозорида муомалада мавжуд бўлган қимматли қоғозларнинг даромадлилик даражаси ва ликвидлилиги пастлигини кўрсатади. Қимматли қоғозларнинг даромадлилик даражаси ва ликвидлилигининг пастлиги инвесторларнинг фонд бозорига бўлган қизиқишини камайтиради натижада бозорнинг жозибадорлигини пасаяди.




3-расм. Уюшган ва уюшмаган қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиш тенденцияси¹¹

¹¹ Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази маълумотлари

Юқоридаги 3-расмдан кўриниб турибдики, таҳлил қилинган 2009-2016 йилларда қимматли қоғозлар бозорининг умумий айланмасида уюшмаган бозор мутлоқ устунликка эга бўлган. Уюшмаган бозорда уюшган бозор (“Тошкент” Республика фонд биржаси ва “Эльсис-савдо” биржадан ташқари уюшган бозори) га нисбатан савдо ҳажми юқори лигининг асосий сабаби давлат тегишли бўлган корхоналарнинг акцияларини хусусийлаштириш йўли билан бозорга чиқарилганлиги жараёни билан боғлиқ. Уюшмаган бозорнинг умумий бозорҳажмида уюшган бозорга нисбатан гипертрофирлашган даражада устунлигининг яна бир сабаби уюшмаган бозорда трансакцион (комиссион) харажатларнинг минимал даражада эканлиги ва расмийлаштиришнинг осонлиги билан боғлиқ.

Қўйидаги 4-расмдан кўриниб турибдики, таҳлил қилинган 2009-2016 йилларда қимматли қоғозлар бозори умумий айланмаси ҳажмида акциялар бозори облигациялар бозорига нисбатан жуда катта фарқ билан устунлик қилган. Сўнгги йилларда облигациялар бозори айланмасида кескин пасайиш кузатилиб, бу ҳолат унинг умумий бозор ҳажмидаги улуши тушиб кетишига олиб келган.



4-расм. Акциялар ва облигациялар бозорининг ривожланиш тенденцияси¹²

Умумий қимматли қоғозлар бозорида акциялар бозорининг ҳажми таҳил қилинган сўнгги икки йилда 99 фойизни ташкил этган. Акциялар бозорининг облигациялар бозорига нисбатан устунлиги умумий қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиш даражаси юқори эканлигини англатмайди.

1-жадвал

2016 йилда худудлар кесимида акциялар иккиламчи бозорининг ҳолати (млн. сўм)¹³

№	Худуд номи	2016 йилда бирламчи бозорда сотилган акциялар ҳажми	2016 йилда иккиламчи бозорда сотилга акциялар ҳажми	
			Жами	Ш.ж: жисмоний шахслар иштироки билан
	Андижон вилояти	2 212,3	2 603,4	708,4
	Бухоро вилояти	1 583,3	26 712,8	1 769,9
	Тошкент шаҳри	13 106 662,7	243 270,1	149 568,0
	Жиззах вилояти	1 774,5	283,9	283,9
	Қашқадарё вилояти	14 328,0	27 253,6	3 500,8
	Навоий вилояти	495,7	5 329,6	3 092,7
	Наманган вилояти	13 295,9	3 905,9	507,5
	Самарқанд вилояти	6 592,5	2 301,3	2 065,6
	Сурхондарё вилояти	2 473,1	2 575,1	964,5
	Сирдарё вилояти	1 831,6	496,5	496,5

¹² Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази маълумотлари

¹³ Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази маълумотлари

	Тошкент вилояти	11 621,5	937 270,4	3 328,2
	Фарғона вилояти	16 341,9	11 466,8	5 793,6
	Хоразм вилояти	2 710,4	1 306,9	1 219,9
	Қорақалпоғистон Республикаси	1 898,5	863,4	863,4
	Жами	13 183 822,0	1 265 639,6	174162,9

Юқоридаги 1-жадвалдан кўриниб турибдики, 201 6 йилда ҳудудларда сотилган акцияларнинг аксарият қисми бирламчи бозор ҳиссасига тўғри келган. Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари бундан мустасно бўлиб, ушбу ҳудудларда иккиламчи бозор бирламчи акциялар бозорига нисбатан юқорироқ кўрсаткичга эга бўлган. 1-жадвал маълумотларидан Тошкент шаҳри ва Фарғона вилоятларида 2016 йилда акцияларнинг бирламчи савдоси бошқа вилоятларга нисбатан анча салмоқли бўлганлигини кўришимиз мумкин.

Республикамиз ҳудудларида амалга оширилган умумий акциялар савдосининг таҳлили бирламчи акциялар бозорининг улуши 93,1 фоизни ташкил этганлигини кўрсатиб турибди. Ҳудудлардаги акциялар бирламчи савдосида Тошкент шаҳрининг улуши 99,4 фоизни ташкил этган бўлса, қолган 0,6 фоизи бошқа вилоятлар ҳиссасига тўғри келган. Ҳудудлар кесимида акциялар иккиламчи савдосининг таҳлили Тошкент вилоятининг улуши 74 фоизни ташкил этганлиги ва бу эса акциялар бирламчи ва иккиламчи савдоларининг асосан Тошкент шаҳрига Тошкент вилоятида амалга оширилаётганлиги ва ҳудудлар билан таққослаганда жуда катта номувофиқлик (дисбаланс) мавжудлигини кўрсатади. Ҳудудлардаги қимматли қоғозларнинг асосий савдо айланмаси ҳам акциялар ҳиссасига тўғри келиб, облигация ва бошқа турдаги қимматли қоғозлар савдоси деярли мавжуд эмас.

Умуман олганда, муомалада фақатгина акциялар ва облигацияларнинг

мавжудлиги мамлакатимиз қимматли қоғозлар бозори молиявий инструмент турлари ва хилма-хиллиги нуқтаи назаридан бой эмаслигини кўрсатади. Бу эса инвесторга инструментлар жиҳатидан диверсификация қилиш имконини бермайди. Юқоридаги муаммоларни ҳал қилишнинг энг асосий йўли бу - мамлакатимиз иқтисодиётида юқори улушга эга бўлган йирик корхоналарнинг давлат улуши сифатида турган қимматли қоғозларини муомалага чиқариш (ҳеч бўлмаганда бир қисмини) ва инвесторларга эркин сотиш ҳисобланади ва ҳозирда бу жараён бошланган.

Юқоридаги муаммоларнинг ҳал этилиши муомалада ликвидли инструментларни таклиф этилишига, қимматли қоғозларнинг даромадлилик даражаси ўсишига, аҳолининг фонд бозорига ишончини ортишига, бозорни жозибадорлик даражасини юқори бўлишига ва натижада қимматли қоғозлар бозорини ривожланишига олиб келади.

2.2. Молия бозори таркибий тузилмасини амалдаги холати ва молиявий воситалар операцияларининг ривожланиш тенденциялари.

Молия бозорида молиявий воситалар орқали амалга ошириладиган операциялар ичida деривативлар билан амалга ошириладиган операциялар алоҳида ўрин эгаллаб келмоқда. Айтиш жоизки молиявий воситаларга шунингдек ҳосила моливиявий воситани ва уларга монан молиявий сегментлар билан боғлиқ операциялар амага оширилиши мумкин.

Молия бозорининг асосий воситалари бозорлари орасида доимий, аниқ бир чегара қўйиб бўлмайди. Чунки маълум бир бозорга тегишли молиявий воситалар бошқа бозорга оқиб ўтади ёки аксинча. Айниқса, ҳосила молиявий воситалар (деривативлар)ни кўрсатиш мумкин. Улар молия бозорининг ҳар бир секторида: валюта, кредит, фонд ва инвестиция бозори секторларида тузилади. Деривативлар халқаро молия бозорини ўзаро мос, ягона бир бутунликка бирлаштиради ва молия бозорининг ҳар бир

сектори ўзаро боғлиқлигини, бунинг натижасида бир-бирига ўзаро таъсир даражасини кўрсатади.

Деривативлар илк бор қимматли қофозлар ва товарлар билан боғлиқ қаттиқ ҳамда шартли битимлар Амстердам биржасида амалга оширилган. Японияда фьючерс битимлари билан боғлиқ операциялар ўрта асрлардан амалда бўлган. Ҳозирги кунда хомашё товарлари билан боғлиқ деривативлар мазкур бозор умумий ҳажмининг 1 фоиздан камроғини ташкил этмоқда.

Бугунда молия бозори тараққиётида Фарбий Европа ва Шимолий Америкадаги бозорларнинг ривожланиши асосий роль ўйнамоқда. Бир вақтнинг ўзида бир нечта биржа савдо майдончаларига қатнашишни енгиллаштирувчи биржалараро ташкилий механизмларнинг яратилиши, техник стандартлар ва тартибга солувчи меъёрларни ўзаро уйғунлаштириш ҳамда савдо майдончаларини қўшиб юбориша ўз аксини топаётган биржа инфраструктурасини бирлаштиришга ҳаракатлар ривожланган бозорлар учун асосий тенденцияни ташкил этмоқда.

Бозор иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатларнинг деривативлар бозори жаҳон деривативлар бозори тараққиётида катта аҳамият касб этмайди, яъни ушбу мамлакатларда молия бозорининг мазкур сегменти жадал ривожланмаган. Корея ва Бразилия эса бунга қўшилмайди, чунки уларда деривативлар бозори жуда яхши ривожланган. Россия Федерациясининг йирик биржаларидан РТС ва ММВБ, Қозоғистоннинг KASE биржаларида молиявий деривативлар билан савдо қилиш яхши йўлга қўйилган.

Булар орасида РТС биржаси деривативларнинг савдо ҳажми ва ҳосила молиявий воситалар бозори сегментининг турли-туманлиги билан ажralиб туради, ушбу кўрсаткичлар МДХ давлатлари бўйича етакчилик қиласди. 2012 - 2016 йиллар оралиғида РТС биржасида деривативлар билан савдолар ҳажми мамлакат ЯИМга нисбатан таққослаганда ўсиш кўрсаткичига эга, яъни 22%дан 35%га ошган, лекин мутлоқ кўрсаткичларда

2012 – 2016 йиллар оралиғида 3,9 млрд АҚШ долларига тушгани молиявий инқизорни ушбу бозор сегментига 2009 йили таъсир күрсатганидан далолат. Бу бозордаги 1% пасайиш мамлакат ЯИМнинг 9%-га камайиши ҳисобига юз берган, умуман, молия бозорининг ушбу сегменти барқарорлиги сақланмоқда.

Узоқ муддатли инвестицияларни жалб этишга мұлжалланған асосий қимматли қоғозлардан фарқли равища, деривативларнинг асосий иқтисодий функцияси хеджирлашдир, яғни нархлар үзгаришидаги рисклардан суғурталаш. Уларнинг юзага келиши молия бозорида инқилобий хусусиятга эга бўлди. Опционлар ва фьючерслар ёрдамида рискларни бошқариш назарияси молия фанининг асосий бўлимига айланди.

Хозирда деривативлар ва ҳосила молиявий воситалар турли мақсадлар учун ишлатилади. Уларнинг асосийлари қуйидагиларда ўз аксини топади.

1. Рискни бошқариш. Корпорациялар, банклар ва инвестицион фонdlар кутилаётган хавф-хатарлардан ўзларини суғурталашади. Суғурталаш (хеджирлаш) базис активлар баҳосини салбий үзгаришлардан ҳимояловчи шартномани сотиб олиш орқали амалга оширилади. Риск менежментга намуна сифатида қуйидаги ҳолатларни келтириш мумкин:

- фонд портфелларини ҳосила молиявий воситалар орқали суғурталаш: молиявий активлар нархи пасайишидан кўриладиган зарарларнинг олдини олиш учун қилинган ҳимоя стратегияси ҳисбланади;
- бюджетлаштириш: корпорацияларнинг режалаштирилган бюджети тўлиқ ижросини таъминлаш мақсадида фоизли деривативлар билан операциялар амалга оширилади;
- ипотека: қўчмас мулк гарови асосида қарз олувчилар ўзларини деривативлар билан кредит фоиз ставкаси ўсишидан ҳимоялашади;
- молиявий менежмент: облигациялар бўйича фоизларни даврий тўлашни режалаштирган эмитентлар ўз пул оқимларидағи салбий үзгаришларни опцион ва своплар билан операцияларни амалга ошириш

орқали ҳимоялайдилар;

- аннуитет: сұғурта компаниялари қатъий белгиланган ва сузувчи фоиз ставкалари ўртасида ҳосила молиявий воситалар орқали арбитраж операцияларни амалга ошириб, молия бозорига қўйилган инвестициялардан кафолатланган фоиз даромадларни олишади;
- ташқи савдо: валютавий деривативлар ҳисобидан экспортёрлар ўз даромадларини мустаҳкамлашади.

2. Спекуляция (чайқовчилик) орқали фойдани максималлаштириш мақсадида. Спекулятив операциялар бўйича қарорларни қабул қилиш жараёнига қўйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- молиявий деривативларнинг тебранишини баҳолаш;
- техник таҳлил;
- мижозларнинг деривативларга нисбатан талаблари ва инфляцион кутилишлар, келажақдаги фоиз ставкалари башоратини ўз ичига оловчи макроиқтисодий таҳлил;
- узоқ муддатли молиявий деривативларга талаб ва таклиф ҳақидаги маълумотлар;
- ҳосилавий воситалар нархларини шакллантиришнинг турли моделлари орқали кам ёки ортиқча баҳо берилган деривативларнинг мавжудлиги.

3. Инвестицион даромадни ошириш. Портфель облигацияларни бошқарувчилар агар ўз облигацияларини коллопционга сотаётган эсалар, «қопланган колл» позициясини эгаллаши керак. Опционнинг страйл баҳоси базис активларнинг мўлжалланган нархидан юқори бўлиши керак. Агар облигацияларнинг ҳақиқий баҳоси страйл баҳодан паст бўлса, опцион амалга оширилмайди ва облигацияларни опцион колл шартномасида сотувчи томон(бошқарувчи) ютуқ сифатида опцион мукофотини олади.

Агар страйл баҳодан ҳақиқий баҳо юқори бўлса, бошқарувчи ўз қимматли қофозларини сотади ва бошланғич позиция билан таққосланувчи ютуқни олиб қолади. Бу инвестицион фондлар учун умумий қабул қилинган

стратегия саналади.

4. Бошқа бозорларга кириш. Қарз олувчи сузуви фоиз ставкалари билан своп ёрдамида қатъий белгиланган фоизларга ўтиши мүмкін. Күпинча қатъий белгиланган фоизда оддий кредит олғандан кўра шундай йўл билан арzonроққа кредит олишни афзал билишади. Натижада икки бозор ўртасида ўзига хос арбитраж операциялари юзага келади. Бир қатор институционал инвесторларга, масалан, пенсия фондларига, молия бозоридаги инвестицион маблағларни акцияларга қўйишга чекловлар жорий этилган. Чекловлардан айланиб ўтиш учун облигацияли ёки конвертиранадиган облигацияли варрантлар каби таркибий воситалардан фойдаланишади. Ҳаттоқи инвестор бозорга чиқишига тўғридан-тўғри имконияти бўлсада, унга баъзан базис активлар билан деривативлар ёрдамида операцияларни амалга ошириш арzonроққа тушади.

Ҳосила молиявий воситалар бозори контрагентга, битимнинг қайси томонида бўлишидан қатъи назар, рискларни бартараф этиш ёки қайта гурухлаш имконини беради. Шубҳасиз, иқтисодиётда рискларнинг ҳажми камаймайди, балки улар хеджирлар томонидан спекулянтларга ўtkазилади ёки қайта тақсимланади. Спекулянтларнинг операцияларни амалга оширишдаги риски эса ортиб боради, шунга боғлиқ равища уларнинг бозордаги ўйинлардан топадиган даромадлари кўпаяди.

Тадқиқот натижалари ҳосилавий қимматли қоғозларни ажратиб турувчи қуйидаги асосий хусусиятлар мавжудлигини кўрсатди:

- бундай қимматли қоғозлар нархи унинг таркибидаги биржа активларига асосланади;
- ҳосилавий қимматли қоғозлар муомаласининг ташқи кўриниши асосий қимматли қоғозлар муомаласи билан бир хил;
- биржа активларининг муомалада бўлиши билан таққослаганда бундай қимматли қоғозлар муомала муддати (бир неча минутдан бир неча ойгача, йилгача) чекланган.

Ҳосилавий қимматли қоғозлар бошқа хусусиятларга ҳам эга. Уларни

олди-сотди қилиш биржа бозорида амалга оширилади ва бошқа қимматли қоғозларга нисбатан минимал инвестиция, яъни активларнинг тўлиқ қийматини тўламасдан гаров таъминот ёки маржа бадали ҳисобига фойда олиш имконини беради.

Ҳосила молиявий воситалардан фойдаланишнинг ижобий томони инвесторлар рискларини суғурталашида, қўшимча фойда олиш имконини беришида кўзга ташланади, Салбий томонлари эса риски юқори воситалар ҳисобланади, улар билан ишлаш ўзига хос алоҳида малакани талаб этади.

2.3. Молия бозорида қимматли қоғозлар бозори ролини ошириш имкониятлари

Мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш, унинг юқори суратларда ривожланишини таъминлаш асосий ва устивор тадбирлардан бири бўлиб, у бир неча долзарб йўналишларда амалга оширилиши мумкин. Хусусан, иқтисодиёт суръатларининг ўсишини барқарорлаштириш ва бевосита мамлакатимизнинг ижтимоий-иктисодий салоҳиятини юксалтиришга хизмат қиласидиган хусусий мулкчилик тармоғини мустаҳкамлаш, тадбиркорлик субъектларининг хўжалик юритиши учун қулай молиявий шароит яратиш, аҳолининг реал даромадини ошириш каби омиллардан кенг фойдаланишга ҳар томонлама эркинлик берилмоқда. Бу борада қимматли қоғозлар бозори воситасида иқтисодиётни модернизациялаш омили алоҳлда аҳамият касб этади.

Бозор механизмининг самарадорлиги кўп жиҳатдан иқтисодиётнинг товар-пул муносабатлари билан қанчалик тўлиқ қамраб олинганлигига боғлиқ. Бу товар бозорлари билан бир қаторда молия бозорини, жумладан, қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш зарурлигини англашади. Бозор иқтисодиёти қимматли қоғозлар бозорининг ривожланган айланмасиз амал қилиши мумкин эмас.

Қимматли қоғозлар бозори ёрдамида капиталнинг аниқ шакллари

(саноат корхоналари ва банк капиталлари) катта харакатчанликка эга бўлади, бу зарур маблағларни (шу жумладан уй хўжаликларининг шахсий жамғармаларини хам) у ёки бу вазифаларни хал этиш учун тезлик билам иқтисодиётнинг турли тармоқларига (ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш) тизимига тезлик билан жалб этиш имконини беради.

Қимматли қоғозлар бозори иқтисодиётнинг асосий индикатори хисобланиб, ишлаб чиқариш корхоналари, хизмат кўрсатувчилар, тижорат банклари, фонд биржалари, инвестиция муассасалари ва ахоли ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлайди.

Миллий иқтисодиётда қимматли қоғозлар бозорининг ролини икки томонлама кўриб чиқиш мумкин. Бир томондан, гап иқтисодиётининг амал қилиши самарадорлигини ошириш ҳақида, иккинчи томондан эса, қимматли қоғозлар бозори ёрдамида ижтимоий хусусиятга эга бўлган қатор муҳим муаммоларни хал этиш ҳақида бораяпти.

Биринчи галда унинг ёрдами билан ахолининг, корхона ва ташкилотларнинг, давлатнинг буш турган пул ҳамда бошқа маблағларининг сафарбар этилиши ва уларнинг миллий иқтисодиётнинг турли соҳаларига йўналтирилиши таъминланади. Бунинг натижасида капитал истеъмолчилари молиялаш манбаларига йўл топади, сармоядорлар эса, мулкдор бўлиш, ўз маблағларини саклаш ва қўпайтириш имкоиниятига эга бўлади.

Бундан ташқари, фонд бозори қимматли қоғозларга нисбатан талаб ва таклифнинг таъсири остида юзага келган бозор нархларини аниқлаб беради. Қимматли қоғозлар курсининг ўзгариши барча янги ахборотни корхона даромадлилиг истиқболларнинг сўнги баҳоланишга узлуксиз жалб этилишидан келиб чиқади.

Ўзбекистон иқтисодиёти давлатнинг изчил макроиктисодий сиёсати доирасида қимматли қоғозлар бозори барқарор ўсиш тендициясига эга. Ушбу тенденция хосиласи сифатида акциялар бозорининг ҳажми изчил ўсиб борган.

Лекин савдо оборотидаги акциялар ҳажми кам бўлганига қарамай,

унинг миқдори ўсиш тенденциясига эга. Зеро, акциялар бозори капитализациясининг ЯИМга нисбати, Жаҳон банкнинг расмий маълумотига кўра, ўзгармай қолмоқда.

Молия бозорида қимматли қоғозлар бозорининг миллий иқтисодётидаги аҳамиятига умумий баҳо бериб, қуидаги муҳим жиҳатларга эътибор қаратиш мумкин бўлади:

Биринчидан, қимматли қоғозлар юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини инвестициялашнинг эгилувчан инструменти ҳисобланади;

Иккинчидан, қимматли қоғозларга қўйилмалар-ишлаб чиқаришни модернизациялаш ҳамда жамиятнииг бошқа эқтиёжларини қондириш учун ресурслаш мобилизациялашнинг самарали усулидир;

Учинчидан, қимматли қоғозлар товар ва пул муомаласида фаол иштирок этади ҳамда мамлакат монетар сиёсатига ижобий таъсир этади;

Тўртинчидан, қимматли қоғозлар бозорида, аввало, фонд биржасида қимматли қоғозларнинг курси аниқланади. Бу курслар мамлакат иқтисодий ва сиёсий хаётидаги барча ўзгаришларнинг барометри ҳисобланади.

Молия бозорида қимматли қоғозлар бозори мамлакат молиявий тизимининг ажралмас кисми хисобланиб, ўзининг институционал ва ташкилий-функционал жихати билан тавсифланади. Шундай қилиб, юқоридаги фикр-мулоҳазаларимиздан кўриниб турибдики, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш тамойиллари юқорида айтиб ўтилган айрим омилдарга ҳам боғлиқ эканлиги билан изохланади. Бу омилларнинг барчаси келгусида миллий иқтисодиётимизнинг равнақи сифатида қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришнинг зарурлнгини англаатади.

III Боб. Молия бозорида молиявий воситалар орқали амалга ошириладиган операцияларни бошқаришни ривожлантириш

3.1. Жаҳон амалиётида ҳосила молиявий воситалар орқали амалга ошириладиган операцияларнинг зарурияти ва ривожлантириш омиллари

Иқтисодиёт учун ҳосила молиявий воситалар аҳамияти тўғрисида турли тортишувлар мавжуд. Ҳосила молиявий воситалар зарурати қуидагиларда кўзга ташланиб келмоқда:

- улар рискларни бошқариш имкониятини кенгайтиради, илгари мавжуд бўлмаган усуллар орқали молияни ва рискларни бошқаришни инвесторлар ҳамда эмитентларга тақдим қилиш йўли билан маблағларни жойлаштириш, жалб этиш шароитини яхшилайди;
- талаб қилинган хусусиятли инвестицион портфелларни шакллантириш харажатларини қисқартиради, бозорнинг нархлар самарадорлиги ва ликвидлигини оширади.

Бугунги кунда ҳосила молиявий воситалар бозорининг қуидаги ўзига хос хусусиятларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- ҳосила молиявий воситалар бозори ўз иштирокчилари учун кўплаб қўшимча имкониятлар яратади. У доимо ўзгариб туради, инвесторларнинг минимал бошланғич қўйилмалари ҳисобига даромад олиш имконини берувчи кўплаб мураккаб таркибий, молиявий воситалар ишлаб чиқилади;
- ушбу бозорда янги иштирокчилар сонининг кўпайиши билан янги турдаги битимлар ҳажмининг ортиши шиддатли хусусият касб этиб, бозорнинг ривожланиш кўрсаткичлари жадал суръатларда ўсишига олиб келади. Ҳосила молиявий воситалар билан операцияларнинг рисклилик даражаси юқорилиги муайян тамойиллар асосида фаолият юритишни талаб қиласди.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва интеграциялашуви ҳисобига ҳосила молиявий воситалар бозори ривожланишининг асосий тенденциялари кучайган. Бозор инфраструктураси ва унда олди-сотди қилинадиган воситалар таркибини ўрганиш бир қатор асосий инфратузилмавий, микротузилмавий тенденцияларни ошкор қилди.

Асосий инфратузилмавий ўзгаришларга қуидагиларни мисол келтириш мумкин:

- ҳосила молиявий воситалар савдоси амалга ошириладиган биржалар ўз фаолиятида юқори натижаларга эришиш учун менежментга асосий эътибор қаратиши, натижада фаолияти самарадорлиги ортиши, воситачилик (комиссион) харажатлари камайиши, хизмат турларининг кўпайиши ва замонавий технологияларнинг жорий этилиши ҳисобига рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилган тижоратининг кенгайиши;

- биржалар бизнесини мустаҳкамлаш ва бирлаштириш жараёнининг кучайиши. Ушбу жараённинг бир қисми сифатида биржалар бозорда ўз рақобатбардошлигини ошириш мақсадида харажатларини қисқартиришга мажбур бўлишди;

- биржалар савдосининг автоматлашуви. Биржаларнинг деривативлар савдосини автоматлаштиришга ўтиши битимларни тузиш жараёни тезлашишига, бу бозор ликвидлиги ва савдолар ҳажми ошишига олиб келди. Бошқа томондан, автоматлаштириш оқибатида яширин тизимли рискларнинг тўпланиши юз берди;

- биржаларнинг универсаллашуви. Биржалар бир нечта молиявий воситалар савдосини бир вақтда бир неча сегментда ташкил этиши мазкур тенденциянинг моҳиятини ёритади. Бу қуидагиларга имкон бериши мумкин:

молия бозори келажакда ривожланишининг ягона стратегиясини режалаштиришга;

- инсайдерлик маълумотларидан фойдаланиш ва нархлар манипуляцияси билан боғлиқ молиявий воситалар устида тузилган битимлар

мониторингини олиб боришга;

- молия бозорининг турли сегментлари бўйича биржа рискларини тенг тақсимлашга;

Ҳосила молиявий воситалар бозорининг таркибий ўзгаришига тегишли микротузилмавий ўзгаришлар қўйидагиларда намоён булади;

- жаҳон молия бозорида тебранишларнинг ортиши базис активлар бозоридаги позицияларни сугурталаш заруратини юзага келтирди, бу деривативлар бозорига қизиқишни оширилишида;

- дефолтдан сугурталаш (дефолт своплар), фоиз деривативлар савдо ҳажмининг тез ўсиши, биринчидан, фоиз ставкалар даражасининг тез ўзгаришини, иккинчидан, жаҳонда молиявий ҳолатнинг ёмонлашуви оқибатида ёппасига дефолтлар содир бўлишининг ҳосила молиявий воситалар бозорининг кўплаб иштирокчилари томонидан кутилиши билан боғликлигига;

Бозор структурасининг шаклланиши билан деривативлар уюшган биржа бозорларида ва биржадан ташқари бозорларда олди-сотди қилиб борилмоқда. Биржадан ташқари деривативлар бозоридаги шартномалар бозор иштирокчилари ўртасида турли воситачиларсиз амалга оширилади, шунинг учун деривативларнинг биржа бозори биржадан ташқари бозордан бир неча баробар кичик.

Ҳосила моливий воситалар бозорларида яратилган молиявий инновацияларнинг жадал ривожланиши 2008 йили бошланган жаҳон молиявий инқирози юзага келишига асосий сабалардан бири сифатида этироф этилиши бежизмас, албатта.

Аниқ бир бозор шароитида кенг тарқалмаган, ахборотларни, ликвидликни, рискларни, даромадларни ва молиявий ресурсларнинг самаралироқ қайта тақсимотини таъминловчи, бундай қайта тақсимлаш орқали кўшимча фойда олишни кўзлаган молиявий технологиялар - молиявий инновациялар тушунчасида кўзга ташланади.

Молиявий инновациялар кўпинча бозор орқали молиялаштириш

воситалари: қимматли қоғозлар, яъни опционлар, фьючерслар, қарзли облигациялар, активлар, уй- жой ипотека билан таъминланган ва бошқа қимматли қоғозлар кўринишида стандартлашган битимлар шаклида пайдо бўлади. Стандартлашган битимлар уларни тузишдаги вақтнинг тежалишига, харажатларнинг қисқаришига, рискларнинг камайишига ва бундай воситалар ликвидлиги ошишига олиб келади.

Назарий жиҳатдан молиявий инновациялар молиявий маҳсулотлар ва хизматлар турларини кўпайтириш ҳисобига молиявий воситачилик самарадорлигини оширишига хизмат қиласи. Бунда, бир томондан, индивидуал жамғармаларга бўлган талаб, иккинчи томондан, янги маҳсулотни ишлаб чиқариши кенгайтириш учун маблағ жалб қилишга талаб қондирилади. Капитал жамғарилишининг бундай жадаллашуви иқтисодий ўсишга олиб келади.

Молиявий инновацияларнинг жадал ривожланишига асосий сабаб ставкалар ва валюта курслар тебраниши ҳамда инфляция суръатларининг тез ошиб бориши ҳисобланади. Бундай шароитда бозордаги рискларни хеджирлаш имконини берувчи самарали воситаларга талаб ортди, натижада ушбу муаммони бартараф этувчи янги молиявий технологиялар, воситалар жадал ривожланди.

**2000 - 2010 йилларда ҳосила молиявий воситаларнинг
номинал қиймати¹⁴
(трли АҚШ доллари)**

	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016
Жами, жумладан	95	111	142	197	258	415	595	548	615	601
Валюта битимлари	16	17	18	24	31	40	56	44	49	58
Фоиз ставкаси учун битимлар	65	78	102	142	212	292	393	386	450	465
Акциялар билан боғлиқ битимлар	2	2	2	4	6	7	8	6	7	6
Хомашё товарларига битимлар	1	1	1	1	5	7	8	4	3	3
Дефолтдан сұғарталаш (credit default swaps)	-	-	-	-	14	29	58	42	33	30

Халқаро хисоб-китоблар банки маълумотлари асосида тузилган.

Хозирда барча деривативлар ҳажмида ўсиш тенденцияси кузатилмоқда (2-жадвал).

Молиявий инновациялар ривожланиши молиявий
эркинлаштиришнинг самарадорлиги билан боғлаш мумкин. Таъкидлаш

¹⁴ www.bis.org – Халқаро хисоб-китоблар банки маълумотлари асосида тузилган

жоизки, молиявий эркинлаштириш натижасида ресурсларни тақсимлаш такомиллашди, иқтисодий ўсишнинг барқарорлиги ортди, молиявий воситачиликнинг таннархи пасайди, рискни баҳолош ва ундан ҳимояланиш имкониятлари кенгайди. Молиявий инновациялар ривожланишини технологияларининг тараққиётисиз тасаввур этиб бўлмайди. Молия тизимиға инноватцион технологияларнинг жорий қилиниши техник иқтисодий тараққиётининг бир «тўлқини»дан бошқасига ўтиш учун зарур шарт-шароитларни юзага келтирди.

Ёппасига молиявий инновациялар юзага келишига сабаб бўлган сабаб бўлган бошқа асосий омиллардан бири миллий молия бозорларига таъсир кўрсатувчи ҳукуматнинг тартибга солиш талаблари кучайгани орқали намоён бўлди. Макур активлар билан таъминланган қимматли қоғозлар каби молиявий воситалар юзага келишига олиб келди. Бундай омилларнинг ўзаро таъсири рискларни камайтирувчи ортиқча ликвидликни пайдо қилувчи, молия бозори фаолиятидаги янги шартларга жавоб берадиган капитал ва қарз мажбуриятларини юзага келтирувчи инновацион молиявий воситаларга талабнинг жадал ўсишига туртки берди.

Бироқ молиявий инновацияларнинг баҳолар динамикасига нисбатан бир текис таъсирга эгамаслигини ҳам қайд этиш жоиз. Бошқача айтганда, молиявий инновациялар таъсири натижасида баҳо мавжуд шарт-шароитларга нисбатан янада таъсирчан бўлиб қолади. Молиявий инновацияларнинг сезиларли даражада ноаниклиги шароитида баҳолар тебранувчанлигининг ортиш эҳтимоли юқори.

Бугунги кунда инвестицион банклар томонидан таклиф этилаётган молиявий маҳсулотлар турли-туманлиги ва сон жиҳатдан кўплиги билан тавсифланади. Тадқиқот натижалари кўрсатадики, инвестицион банклар янги молиявий воситаларни яратиш жараёнини ҳаракатга келтирувчи асосий куч ҳисобланади. Бунга сабаб уларнинг асосий фаолияти молиявий воситачилик, яъни молиявий хизматларни таклиф этишдан иборатлигидир.

Молиявий инновацияларнинг асосий қисми ҳосила молиявий

воситалар гурухига тўғри келади. Дастрлаб улар халқаро бозорларда тарқалишади, сўнгра миллий бозорларга кириб келади. Миллий бозорларга молиявий инновацияларни тарқалиши ва кириб келиши давлатнинг тартибга солувчи органлари томонидан бозор қатнашчилари иш тартибига ва уларга қўйилган чекловларга тўсқинлик қиласди. Халқаро бозорларда бундай тартиблар бўлмайди, шунинг учун улар молиявий инновациялар маконидир.

3.2 Молия бозорида амалга ошириладиган инновацион операция акцияларни гурухлаш орқали янги молиявий воситаларни жорий этиш имкониятлари.

Мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш, унинг юқори суратларда ривожланишини таъминлаш асосий ва устивор тадбирлардан бири бўлиб, у бир неча долзарб йўналишларда амалга оширилиши мумкин. Хусусан, иқтисодиёт суръатларининг ўсишини барқарорлаштириш ва бевосита мамлакатимизнинг ижтимоий – иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга хизмат қиласдиган хусусий мулкчилик тармоғини мустахкамлаш, тадбиркорлик субъектларининг хўжалик юритиши учун қулай молиявий шароит яратиш, аҳолининг реал даромадини ошириш каби омиллардан кенг фойдаланишга ҳар томонлама эркинлик берилмоқда. Бу борада қимматли қоғозлар бозори воситасида иқтисодиётни модернизациялаш омили алоҳида аҳамият касб этади.

Бозор механизмининг самарадорлиги кўп жиҳатдан иқтисодиётнинг товар-пул му носабатлари билан қанчалик тўлиқ қамраб олинганлигига боғлиқ. Бу товар бозорлари билан бир қаторда молия бозорини, жумладан, қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш зарурлигини англашади. Бозор иқтисодиёти қимматли қоғозлар бозорининг ривожланган айланмасиз амал қилиши мумкий эмас.

Қимматли қоғозлар бозори ёрдамида капиталнинг аниқ шакллари (саноат корхоналари ва банк капиталлари) катта харакатчанликка эга бўлади, бу зарур маблағларни (шу жумладан, уй хўжаликларининг шахсий

жамғармаларини ҳам) у ёки бу вазифаларни ҳал этиш учун тезлик билан иқтисодиётнинг турли тармоқларига (ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш) тизимиға тезлик билан жалб этиш имконини беради.

Қимматли қоғозлар бозори иқтисодиётнинг асосий индикатори ҳисобланиб, ишлаб чиқариш корхоналари, хизмат кўрсатувчилар, тижорат банклари, фонд биржалари, инвестиция муассасалари ва аҳоли ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлайди.

Миллий иқтисодиётда қимматли қоғозлар бозорининг ролини икки томонлама кўриб чиқиши мумкин. Бир томондан, гап иқтисодиётнинг амал қилиши самарадорлигини ошириш ҳақида, иккинчи томондан эса, қимматли қоғозлар бозори ёрдамида ижтимоий хусусиятга эга бўлган қатор муҳим муаммоларни ҳал этиш ҳақида бораяпти.

Биринчи галда унинг ёрдами билан аҳолининг, корхона ва ташкилотларнинг, давлатнинг бўш турган пул ҳамда бошқа маблағларининг сафарбар этилиши ва уларнинг миллий иқтисодиётнинг турли соҳаларига йўналтирилиши таъминланади. Бунинг натижасида капитал истеъмолчилари молиялаш манбаларига йўл топади, сармоядорлар эса, мулкдор бўлиш, ўз маблағларини сақлаш ва кўпайтириш имкониятига эга бўлади.

Бундан ташқари, фонд бозори қимматли қоғозларга нисбатан талаб ва таклифнинг таъсири остида юзага келган бозор нархларини аниқлаб беради. Қимматли қоғозлар курсининг ўзгариши барча янги ахборотни корхона даромадлилиги истиқболларининг сўнгги баҳоланишига узлуксиз жалб этилишидан келиб чиқади.

Ўзбекистон иқтисодиёти давлатнинг изчил макроиқтисодий сиёсати доирасида қимматли қоғозлар бозори барқарор ўсиш тенденциясига эга. Ушбу тенденция хосиласи сифатида акциялар бозорининг ҳажми изчил ўсиб борган.

Лекин савдо оборотидаги акциялар ҳажми кам бўлганига қарамай, унинг миқдори ўсиш тенденциясига эга. Зеро, акциялар бозори капитализациясининг ЯИМга нисбати, Жаҳон банкининг расмий

маълумотига кўра, ўзгармай қолмоқда.

Қимматли қоғозлар бозорининг миллий иқтисодиётдаги аҳамиятига умумий баҳо бериб, қуидаги муҳим жиҳатларга эътибор қаратиш мумкин бўлади:

Биринчидан, қимматли қоғозлар юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини инвестициялашнинг эгилувчан инструменти ҳисобланади;

Иккинчидан, қимматли қоғозларга қўйилмалар ишлаб чиқаришни модернизациялаш ҳамда жамиятнинг бошқа эҳтиёжларини қондириш учун ресурсларни мобилизациялашнинг самарали усулидир;

Учинчидан, қимматли қоғозлар товар ва пул муомаласида фаол иштирок этади ҳамда мамлакат монетар сиёсатига ижобий таъсир этади;

Тўртинчидан, қимматли қоғозлар бозорида, аввало, фонд биржасида қимматли қоғозларнинг курси аниқланади. Бу курслар мамлакат иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги барча ўзгаришларнинг барометри ҳисобланади.

Қимматли қоғозлар бозори мамлакат молиявий тизимиининг ажралмас қисми ҳисбланиб, ўзининг институционал ва ташкилий - функционал жиҳати билан тавсифланади. Шундай қилиб, юқоридаги фикр-мулоҳазаларимиздан кўриниб турибдики, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш тамойиллари юқорида айтиб ўтилган айрим омилларга ҳам боғлиқ эканлиги билан изоҳданади. Бу омилларнинг барчаси келгусида миллий иқтисодиётимизнинг равнақи сифатида қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришнинг зарурлигини англатади.

Молия бозорида амалга ошириладиган инновацияларни икки гурухга бўлиш мумкин:

1. Молия бозорида янги воситаларнинг жорий этилиши. Бундай инновацияларга бугунги кунда одатий тус олган ҳосила молиявий воситаларни, яъни своплар, фьючерслар, форварdlар ҳамда деривативлар бозорининг инновацион молиявий маҳсулотлари - свопционлар, кредит

деривативлар ва бошқаларни келтириш мумкин

2. Субъектларнинг инновацион фаолиятини молиявий таъминлаш, молиявий ва инновацион рискларни суғурталаш, савдо ҳажмини кўпайтириш, инвестицион ресурсларни жалб этиш, корхона даромадини ошириш мақсадида муддатли ва кредит, валюта ва фонд бозорларидағи турли инновацион молиявий маҳсулотларни ташкил этиш имконини берувчи молия бозоридаги воситаларнинг янги (инновацион) бирикмалари. Бундай молия бозоридаги инновацион бирикмаларга венчурли молиялаштириш, форфейтинг, франчайзинг, маҳсус қимматли қоғозларнинг чиқарилиши ва бошқаларни киритиш мумкин.

Фикримизча, юқоридаги инновацион молиявий маҳсулотлар иқтисодиётда молия инжинирингиги сифатида фаол яратувчилик фаолиятини олиб боради.

Молия бозорининг барча сегментларида фойдаланиладиган молиявий инновацияларни асосан уч гурухга бўлиш мумкин.

- своплар;
- опционлар;
- форвардлар.

Юқорида келтирилган молиявий деривативлар ҳажмининг жадал ўсишига ва молиявий маҳсулотлар турли-туманлигига қарамай, кредит деривативлар гурухи алоҳида ажралиб туради. Ҳар бир восита ўз шакли ва амалиётда қўлланишига кўра турлича, улар молиявий инновациялар шаклида молия бозорининг барча сегментларига кириб борган.

Кредит деривативлар гурухи молиявий инновацияларнинг муҳим шаклларидан биридир. Жаҳон молия бозори тараққиётининг ҳозирги босқичида кредит деривативлари ўз активлари ва рискларни ажратиб сотиш имконини берувчи таркибий молиявий восита сифатида аниқлашимиз мумкин.

Кредит деривативлари кўп функцияли молиявий восита ҳисобланади. Улар қуйидаги вазифаларни бажаришади:

- кредит рискларидан хеджирлаш;
- рискларни деверсификациялаш;
- қарз олиш шартларини яхшилаш;
- даромадлилик даражасини ошириш;
- облигацияларни қайта гурухлаш;
- трансакцион харажатларни камайтириш.

Айтиш жоизки кредит деривативлари етарлича мураккаблиги билан 2008 йили бошланган жаҳон молиявий инқирози чуқурлашишига ҳамда жадаллашишига олиб келган асосий сабаблардан бири бўлди. Фикримизча, кредит деривативлар бозорида инқирознинг юзага келишига асосий сабаб куйидагилардан иборат:

- биринчидан, берилган кредитлар ҳажмига нисбатан кредит деривативлар орқали тузилган битимлар ҳажми бир неча баробар ортиқ бўлган;
- иккинчидан, ушбу бозор шаффофлигининг мавжудмаслиги, мавжуд рисклар ва бундай воситалар ҳажмини баҳолаш имкони йўқлиги;
- учинчидан, кредит деривативлар билан боғлиқ операцияларга жуда кўп сонли иштирокчилар жалб этилгани. Кўп босқичли ўзаро боғлиқ операциялар чизмаси унинг иштирокчиларига бундай молиявий маҳсулотни тўлиқ англаб олиш имконини бермади, уларни сотиб олувчилар тўлиқ рейтинг агентликлари баҳосига ишонишга мажбур бўлдилар.

Деривативлар бозори жаҳон молиявий инқирозигача бўлган даврда энг йирик кўрсаткичларига 2008 йилнинг июнь ойида эришган. Фоиз деривативлар (67%) ва кредит дефолт своплари (8%) биргаликда барча битимларнинг ялпи номинал қийматига нисбатан биржадан ташқари бозорда умумий деривативлар бозорининг 75% ни ўзида мужассамлайди (3-жадвал қаранг). Ушбу жадвал маълумотлари асосида ҳосила молиявий воситаларнинг бозор қийматини таҳлил қиласиз. 2008 йилга келиб биржадан ташқари бозорларда деривативлар бўйича тузилган шартномаларнинг бозор қиймати 20 трлн АҚШ долларидан ошган. Таҳлилларнинг кўринадики,

базавий активи валюта, фоиз ставкаси, товар бўлган ҳосила молиявий воситалар орасида своплар ялпи бозор қиймати жиҳатидан юқори салмоқни ташкил қилган.

3-жадвал

Глобал биржадан ташқари деривативлар бозори, млрд АҚШ доллари (2008 йилнинг июнь ойи ҳолатига)¹⁵

Бозор сегменти	Барча битимларнинг ялпи номинал қиймати	Ялпи бозор қиймати
Валюта деривативлари (Foreign exchange derivatives)	62 983	2262
Фоизли деривативлар (Interest rate derivatives)	458304	9263
Акцияларга деривативлар (Equity-linked derivatives)	10177	1146
Товар деривативлари (Commodity derivatives)	13229	2209
Кредит дефолт своплари (Credit default swaps)	57325	3172
Бошқалар (таксимланмаган)	81708	2301
Жами	683725	20353

3.3. Молиявий инновацияларни вужудга келиши билан боғлиқ молиявий воситалар билан операцияларини бошқаришнинг тартиблаштириш ва ривожлантириш йўллари

Молиявий инновациялар вужудга келишининг асосий

¹⁵ Халқаро хисоб-китоблар банки ҳисобот маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилган.

йўналишларидан бири турли активларни қимматли қоғозларга айлантириб, уларни қайта тақсимлаш операцияларини ўзида мужассамлаштирган секьюритизациялаш жараёни саналади. Активлар ҳаракатидан юзага келадиган ҳар қандай ҳозирги ва келажақдаги пул оқимини секьюритизациялаш мумкин.

Активлар секьюритизацияси ҳаракатсиз активларни турли пул оқимлари ва активлар билан таъминлаб, ликвидли қимматли қоғозларга айлантириш орқали ҳаракатга келтириш жараёни ҳисобланади.

Ҳозирги кунда активлар секьюритизациясига асосланган қимматли қоғозларнинг айримларини қуида келтирамиз:

- қарзли мажбуриятлар (облигациялар ва кредитлар) билан таъминланган облигациялар;
- қарз вимматли қоғозлари ҳисобига таъминланган облигациялар;
- активлар билан таъминланган қимматли қоғозлар (автокредитлар, истеъмол кредитлари, кредит карточкалар, лизинг шартномалари, кичик ва ўрта бизнесга кредитлар, келажақда режалаштирилган тушумларни (масалан, хизматлар тўловини олиш бўйича тилхатлар) ҳам қамраб олади);
- ипотекага асосланган қимматли қоғозлар;
- уй-жой билан таъминланган қимматли қоғозлар;
- тижорат-кўчмас мулк объектлари билан таъминланган қимматли қоғозлар;
- инвесторни кредит қайтмаслигидан кафолатловчи қимматли қоғозлар.

«Активлар секьюритизацияси» ва «банк активлари секьюритизацияси» тушунчаларини аниқлашда бир хил фикрларнинг мавжудмаслиги бошқа турдаги молиялаштириш шаклларига қараганда активлар секьюритизациси ривожланишига тўsicк бўлмоқда.

Активлар секьюритизациясини молиялаштиришнинг бошқа шаклларидан ажратиб турувчи учта асосий хусусияти мавжуд:

- банк ёки корхона активларини баланс ҳисобидан чиқариш. Бу корхонанинг ўз хўжалик рискини соф активлар рискидан ажратиш имконини беради, капиталининг иқтисодини таъминлайди;

- қимматли қоғозларнинг эмиссия қилиб таъминланиши. Унинг кафолати талабгорлар ва қўшимча кредит ҳажми билан таъминланади;

- кириб келувчи ва чиқиб кетувчи пул оқимлари. Активлар харакатидан олинган фойда ва фоиз тўловлари орқали улар таъминоти билан чиқарилган қимматли қоғозларнинг харажатлари қопланади. Тўловлар ўзаро миқдори, валюта тури ва вақти бўйича ҳосила молиявий воситалар, маҳсус захиралар ва бошқа ликвидлиликни оширувчи воситалар ёрдамида мувофиқлаштирилади.

Юқоридаги уч хусусият мужассамлашган молиявий операцияларни активлар секьюритизацияси сифатида таснифлаш мумкин.

Активлар секьюритизацияси секьюритизациялаш жараённинг бир шакли, банк активлари секьюритизацияси активлар секьюритизациясининг бир кўриниши саналади (5-расм).


Активлар секьюритизацияси уч босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқичда секьюритизацияланадиган активлар танлаб олинади.

Иккинчи босқичда секьюритизацияланадиган активлар корхонадан ҳисобидан алоҳидалаштирилади, яъни бунда корхона балансидаги бошқа активлардан ажратиб олинади. Мазкур жараённинг шуниси муҳимки, секьюритизацияланадиган активларни корхона балансидан ажратиш уни тўлиқ сотиш (True sale) йўли орқали амалга оширилади. Фақат активларни тўлиқ сотиш орқали ўз капиталининг етарлилигига қўйилган мажбурий талаблардан қутулиш мумкин. Секьюритизацияланадиган активлар тартибга солувчи томонидан тўлиқ сотилганидан олинмаса, улар таъминланган қарзлар сифатида таснифланади ва капиталнинг етарлилигига қўйилган мажбурий талаблар ҳажмини камайтиrmайди.

5-расм

Секьюритизациялаш жараёнининг ривожланиши, активлар секьюритизацияси босқичлари



Учинчи босқичда секьюритизацияланадиган активлар қимматли қоғозлар бозори орқали қайта молиялаштирилади.

Активлар секьюритизациясида активларни корхона балансидан қисман ёки бутунлай ҳисобдан чиқариш мумкин. Ҳосила молиявий воситалар ёрдамида корхонанинг фақат секьюритизацияланадиган активлари билан боғлик рискларининг камайтирилиши амалиётда синтетик секьюритизация сифатида ўз ўрнига эга.

Банк активлар секьюритизацияси балансдан қисман ёки тўлиқ ҳисобдан чиқарилган алоҳида банк активлари ва пул оқимлари билан таъминланган қимматли қоғозларни чиқариш орқали пул маблағларини банкка жалб этиш механизмидир. Банк активлари секьюритизацияси, одатда, банк кредитлари ва қарз қимматли қоғозлари орқали амалга оширилади. Банклар ўзлари ва бошқаларнинг қарз қимматли қоғозлари ҳисобига таъминланган облигацияларни чиқаришади. Улар қарз мажбуриятлари, яъни кредитлар ва қарз қимматли қоғозлар билан таъминланган облигацияларини ҳам эмиссия қилишади.

Банк активлари секьюритизацияси ўзида қуийдаги асосий хусусиятларни мужассамлаштиради:

- банкларга молиявий ресурсларни жалб қиласди;
 - қимматли қоғозлар эмиссияси орқали пул маблағлари жамғаради;
 - секьюритизацияланган активлар ва пул оқимлари муддати, валюта тури ҳамда тўловлар ҳажми билан қимматли қоғозлар эмиссиясини таъминлайди;
 - секьюритизациялаш объекти банк активлари ҳисобланади;
- банк активлари секьюритизацияси балансдан ташқари хусусият касб этади.

Активларни секьюритизациялаш жараёни ўз иштирокчиларига бир қатор афзалликларни тақдим этади.

Банклар, ипотека ва суғурта компаниялари ҳамда давлат

корхоналари бўлган оригиналорлар қуидаги бир қатор сабабларга кўра ўз активларини секьюритизациялайдилар:

- секьюритизацияланган активларни маҳсус юридик шахсларга (SPV) сотиш ҳисобига молиявий маблағларни жалб этиш;
- жамғариш самарадорлигининг ошиши одатдаги молиялаштириш шаклларида қараганда харажатларни камайтиради ва муддатини узайтиради;

- активлар риски орқали кредит рискларининг чекланиши.

Секьюритизация натижасида оригиналорда кредит рисклари қолмайди ёки унинг кредит риски кредит сифатини ошириш учун тақдим этган маълум сумма орқали чекланади. Айни пайтда, оригиналор активлар бўйича келажакдаги даромадларни олиш имкониятини ўзида сақлаб қолиши мумкин;

- баланс кўрсаткичларининг яхшиланиши. Секьюритизация орқали активларнинг тўлиқ сотилиши оригиналор балансидан уларни ҳисобдан чиқарилишига олиб келади ва пул маблағлари билан ўрнини алмаштиради. Бу корхонанинг мос баланс кўрсаткичлари ижобий томонга ўзгаришига олиб келади;

- активларни таъминлаш учун кичик капиталнинг етарлилиги янги турда қарз олиш имконияти ва қобилиятини оширади. Базель қўмитаси талабларида кўра, молиявий ташкилотлар рискли активларга қарши етарлича капитал ҳажмига эга бўлиши зарур. Бухгалтерия ҳисоби бўйича секьюритизация жараёнида активлар қарзга берилмайди, балки сотилади. Бу секьюритизациялаш жараёни ҳисобига қарзни балансда кўрсатмасдан, бошқа манбалар орқали молиялаштириш сифатида қайд этилишига олиб келади ва рискли активларга нисбатан капиталнинг етарлилигига қўйилган талабнинг қисқаришига сабаб бўлади;

- турли молиялаштириш манбаларига эгалик. Секьюритизация жараёни оригиналорга молиялаштириш манбаларини диверсификациялаш ва ўз қимматли қоғозларини эмиссия қилмасдан капитал бозорига чиқиши

имконини беради;

- молиялаштириш қийматининг камайиши. Банклар ва бошқа турли молиялаштириш шаклларига қараганда секьюритизациялаш жараёнининг харажатлари кам бўлиши мумкин. Оригинатор балансининг кредит сифатига қараганда секьюритизацияланувчи активлар кредит сифатининг юқори бўлиши уларнинг қисқа вақт ичидаги ўз ўрнини топишига шароит яратади;

- активлар ва пассивларни баланслаштиришда активлар секьюритизацияси қулай воситалардан биридир.

Секьюритизацияланадиган активлар куйидаги хусусиятларга эга бўлиши лозим:

- пул оқими муддати ва тўловлар ҳажми бўйича режалаштирилган ҳамда етарлича тартибли бўлиши зарур;

- секьюритизацияланадиган активлар оригиналордан ажратилган бўлиши керак, яъни қонуний-меъёрий хужжатларда бундай активлар бўйича талабларга қаршиликсиз йўл қўйиб бериш тартиблари кўрсатилиши лозим;

- етарли микдор (ҳажм) бўлиши керак;

- қарздорлар географик жиҳатдан ёки бошқа турли диверсификацияланishi даркор;

- активларнинг хусусиятлари юқори даражада стандартлаштирилиши керак;

- кириб келувчи (ипотека ва бошқа кредитлар, қарзли ҳамда турли активлар бўйича фоиз ставкалари) ва чиқиб кетувчи тўловлар (қимматли қоғозлар даромади) орасида етарлича фарқ (маржа) бўлиши зарур.

Активлар секьюритизация жараёнининг асосий элементлари куйидаги операцияларда қўзга ташланади:

- корхона (оригинаатор) активларини қайтариб олмаслик хукуки билан ёки чекланган хукуқ (Non- ёки Limited recourse) доирасида сотиш;

- активларни қимматли қоғозларни чиқариш орқали қайта молиялаштириш мақсадида маҳсус тузилган хўжалик юритувчи ташкилот

(ММТ) қўшимча таъминот билан банкротликдан ҳимояланган ва мустақил фаолият юритувчи юридик шахс ҳисобланади;

- активлар секьюритизациясига асосланган турли шаклдаги қимматли қоғозларга замонавий ва тўлиқ кафолатланган хизмат кўрсатиш учун хуқуқий асос билан валюта ва фоиз свопларидан, аниқ бир фоиз асосида маблағлар қўйилганини кафолатловчи инвестицион сертификатлардан ва бошқа турли деривативлардан фойдаланишга имкон берилади;

- инвесторлар қимматли қоғозлари бўйича мажбуриятларни бажариш ва таъминлаш мақсадида гаров сифатида сотилган активлар қолдирилади ёки уларни таъминлашдаги барча хуқуқи билан ишончли шахсга (бошқарувчи агент) топширилади. Ишончли шахс мазкур хуқукдан инвесторлар манфаатлари йўлида фойдаланади (2-расмга қаранг).

Активлар секьюритизацияси жараёнида иштирокчилар ўртасида юзага келадиган муносабатларни асосан қуйидаги беш гурухга бўлиш мумкин:

- оригиналатор ва ММТ ўртасидаги муносабатлар. Бунда секьюритизация учун мўлжалланган активларни оригиналатор балансидан ажратиш ва ММТга сотиши. Оригиналатор ва ММТ ўртасида оригиналаторнинг сервис хизматлари агенти сифатида фаолият юритиши бўйича «топшириқ шартномаси» тузилади. Бунда сервис хизматлари агенти вазифасини бошқарувчи агентлар ҳам бажариши мумкинлиги кўрсатилиши лозим. Бу каби муносабатларнинг юз бериши «сотмоқ» тушунчасининг иқтисодий жиҳатдан бир маъноси «мулк хуқуқининг бошқа шахсга ўтиши» экани билан боғлиқлигини кўрсатади;

Тадқиқот натижаларига асосланиб муаллифлар томонидан шакллантирилган.

- ММТ ва инвесторлар ўртасидаги муносабатлар. Инвесторлар даромадлилиги ва рейтинги юқори қимматли қоғозларга эга бўлишни хоҳлашади. Мазкур хусусият активлар секьюритизациясига асосланган қимматли қоғозларда кўзга ташланади. Қимматли қоғозларнинг активлар билан таъминотига бир эмас, бир нечта ташкилотлар масъул бўладилар (5-


расмдаги иккинчи гурух ташкилотлар бунга мисол);

- ММТ ва бошқарувчи агент ўртасидаги муносабатлар. ММТ ва инвесторлар ўртасида бошқарувчи агент муҳим воситачи ташкилот ҳисобланади. Бошқарувчи ташкилот инвесторлар манфаатларини ҳимояловчи, активлар билан таъминланган қимматли қоғозларни сўндириш ва даромадларини тўлаб беришда асосий воситачи ролини бажаради. Бу эса активлар бўйича тўловларнинг (фоиз ва капитал тўловлар) кечикиши ёки тўланмаслигининг олдини олиш учун сервис хизматлари агенти (оригинатор) фаолиятини текшириб бориш заруратини кўрсатади, ММТ орқали бу жараён амалга оширилади;

- бошқа иштирокчилар орасидаги муносабатлар. Мазкур активлар секьюритизацияси жараёни иштирокчиларининг ҳосила молиявий бозори орқали тўловлар ва қимматли қоғозлар рискини камайтириш бўйича амалга оширадиган олерацияларида юзага келадиган, ушбу жараённи назорат қилувчи ва тартибга солувчи ваколатли ташкилот билан муносабатларни ўзида мужассамлаштиради. Бу каби муносабатлар активларни секьюритизациялаш механизмини барқарорлаштиришга хизмат қиласи.

5 –расм.

Активлар секьюритизацияси жараёни ва ундаги иштирокчилар гурухи



**IV Боб. Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини
мувоғиқлаштириш ва ривожлантириш маркази Самарқанд
вилоят бошкармаси хавфсизлигини ҳолати ва самарали ташкил
етиш йўллари**

4.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг аҳамияти

Ватанимиз миллий давлатчилиги ва иқтисодий мустақиллиги, қудратли интеллектуал салоҳиятининг юксак бўлишида сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва маърифий йўналишларда олиб борилаётган кенг қамровли тадбирлар мажмуасида, аҳоли ва ҳудудларни турли вазиятлардан муҳофаза қилиш, инсон хавфсизлиги ва саломатлигини сақлаш алоҳида ўрин тутади, шунинг учун ҳам бу соҳа миллий давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Биринчи Президентимиз И.А. Каримов мазкур масаланинг долзарблигига алоҳида эътибор бериб, республикамиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ «Сиёсатимизнинг асл моҳияти аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, уларни турли хил оғатлар ва фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилишдир» деб алоҳида таъкидлаб келмоқдалар.

Шунинг учун фуқароларни турли бўладиган таъсирлардан сақлаш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланса, худди шундай бизнинг ўлкамиз табиий оғатлар (ер силкиниши, ер сурилиши, сел, сув тошқини ва ҳ.к.) бўлишига мойил ўлка бўлганлигидан ҳамда техноген авариялар ва экологик мувозанатни бўзилиши натижасида унинг оқибатларидан, фуқаролар меҳнат муофазасини, ҳалқ хўжалиги тармоқларини, моддий ресурсларни, техникаларни ва табиатни асраш, зарап кўрган ҳудудларда қутариш – тиклаш ишларини олиб бориш ҳам жуда муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Юқоридаги вазифаларни ҳал қилишда Ўзбекистон минтақаси учун хос бўлган табиий оғатларни, ишлаб чиқариш аварияларини ва юзага келадиган экологик вазиятларни фуқаро ҳаёт фаолиятидаги меҳнат хавфсизлигини

чукур таҳлил этиш натижасидагина ҳар қандай вазиятлардаги моддий, маънавий йўқотишлар кўламини қисқартиришга еришиш мумкин.

Инсон ва табиат жамият ўртасидаги муносабатда ҳам, инсон табиатнинг қонунлари ва ундан келиб чиқадиган қўпгина ҳодисаларнинг олдида жамиятларнинг ўртасида ёки бошқа сабаблардан келиб чиқадиган вазиятларда ҳозирда инсон ожизлик қилиши мумкин.

4.2. Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофикалаштириш ва ривожлантириш маркази Самарканд вилоят бошкармаси ходимлари меҳнат ва ёнгин хавфсизлиги доирасидаги чора-тадбирлари

Саноатнинг барча тармоқларида ходимлар саломатлигини ҳимоя қилиш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва техника хавфсизлигини таъминлашга доир омилларини излаб топиш, меҳнатни самарали ижодга айлантириш жамиятимизнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ходимларнинг саломатлигини сақлаш касб касалликлари ва заҳарланишларнинг олдини олишда, шунингдек уларни камайтиришда, ишга қабул қилишдан олдин ўтказиладиган тиббий кўрик ҳамда ишлаб чиқаришда зарарли, нохуш меҳнат шароитларида ишлаётган ходимларни даврий кўриқдан ўтказиб туриш чора-тадбирлар ичида муҳим ўрин тутади.

Бироқ, кўлга киритилган катта ютуқларга қарамай, бозор муносабатларига ўтиш шароитларида, кичик корхоналар кўпаяётган бир пайтда (бу ерда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига амал қиласлик ҳоллари рўй бермоқда) қишлоқ хўжалиги ва саноатда машјул бўлган ходимларга кўрсатаётган соғлиқни сақлаш ходимларига қўйилаётган талаблар пасайгани йўқ. Бу айниқса, ходимларни ишга киришдан олдин дастлабки ва даврий тиббий кўриклардан ўтказиш тизимини такомиллаштириш муаммосига тааллуқлидир, уларнинг нечоқлик сифатли ўтказилиши, умумий ва касб касалликларида профилактика чора-тадбирларини мақсадга мувофиқ йўналтирилган даражасига бојлиқ бўлади.

Умумий ва касб касалликларини, баҳтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш,

ходимлар мөхнатини муҳофаза қилишни таъминлаш мақсадида бу кўрикларнинг паст савияда ўтказилиши келгусида сурункали касалликларнинг тез-тез учраб туришининг кўпайиб кетишига олиб келиши мумкин, бу эса ўз навбатида ишлаш унумдорлигининг пасайишига, иқтисодий куч-қувватларнинг сусайишига олиб боради, яъни салбий ижтимоий оқибатларга сабаб бўлади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон саноатида, қурилишда ва қишлоқ хўжалигига 3 млн. дан ортиқ одам ишлайди, улардан 1 млн. нохуш ва зарарли мөхнат шароитларида, шу жумладан 200 минг аёл ишламоқда. Кўп корхоналарда асосий касб гурухларида зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш омиллари (шовқин, тебраниш, кимёвий бирикмалар ва ҳоказолар)га қўйиладиган рухсат этувчи гигиеник қоидаларнинг бўзилишига йўл қўйилмоқда. Бу эса касбдан касалланишнинг асосий негизини кўп жиҳатдан ишга вақтинча қобилиятсизликка алоқадор касалликларни келтириб чиқаради.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, баъзи бир саноат корхоналарида мөхнат шароитлари ва касбдан касалланишнинг ҳақиқий аҳволи санитария-эпидемиология хизмати томонидан қўриладиган чораларнинг етарлича самарали бўлмаслигидан ва ходимларнинг касбдан касалланишини муҳофаза қилиш борасида ўз касб бурчини принципиал ва пухта бажармаслигидан далолат беради.

Мана шу вазифаларни муваффақиятли олиб бормай туриб, заарланган худудларда, объекларда мўтадил ҳаёт фаолиятини яратиб бўлмайди. Бу ишларни давлат органлари орқали, фуқаро муҳофазаси бошчилигига бутун ҳалқ ёрдамида амалга оширилади.

Раҳбарлар таркибини, тўзилмалар ва аҳолини ўқитишида уларни амалий машғулотларга жалб қилиш катта аҳамиятга эга. Амалий машғулотлар раҳбарлар таркибини, Фуқаро муҳофазаси(ФМ)¹⁶ кучларини ва аҳолини ФМ вазифаларини бажаришга тайёрлашнинг юқори ва фаол шакли ҳисобланади.

¹⁶ Фуқаро муҳофазаси кейингиларда-ФМ

Амалий машғулотларда тўзилмаларга кирган фуқароларнинг аниқ ва тартибли ҳаракатлари, турли хил жихозлар, асбоб-ускуналар, техникалардан фойдаланиш услублари ўрганилади, алоқа ва тўзилмаларни бошқариш масалалари ишлаб чиқилади.

Ёнгин халқ хўжалигига катта моддий зарар келтиради. Бир неча минут ёки соат ичидаги жуда катта миқдордаги халқ бойликлари ёниб кулга айланади. Ёнгин вақтида ажралиб чиқадиган тутун, карбонат ангидрид ва бошқа зарарли ҳид ҳамда газлар атмосферага қўтарилиб, ҳавонинг таркибини бўзади. Бундан ташқари, кишиларнинг жароҳатланишига, ҳатто ўлимига сабаб бўлади. Буларнинг ҳаммаси, ёнгинга қарши кураш тадбирлари ва ишларнинг хавфсиз бажариш усувларини меҳнат муҳофазаси билан биргаликда ўрганишни тақозо қиласади.

Хозирги вақтда республикамиз ташкилот ва корхоналарида ёнгин хавфсизлигини камайтириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилган. Хусусан, корхоналарда ёнгин чиқиши хавфи камайтирилган ва бутунлай хавфсиз ишлайдиган электр ускуналари ишлатилмоқда. Ўт ўчиришнинг механизациялашган ва автоматлашган тизимлари тобора кенгрок қўлланилмоқда.

Лекин, ёнгин чиқишининг олдини олиш ва ўт ўчиришда асосий масъулият кишилар зиммасига тушишини ҳамда уларнинг ёнгинни ўчириш техникасининг барча талабларини тўлиқ бажарқилишига боғлиқ эканлигини унумаслик керак. Ташкилот ва корхоналарда бу тадбирлар тартибли равишда, ёнгин техникаси ҳақидаги низом, ёнгин хавфсизлиги қоидалари, йўриқнома ва бошқа ҳужжатлар асосида олиб борқилиши шарт.

Республикамизнинг ҳар бир фуқароси жамоат ва давлат мулкини қўз қорачиғидай сақлаши, асраб авайлаши, уни бойитиш ҳақида қайғуриши керак. Шунинг учун корхоналарда ёнгиннинг олдини олиш ва ўт ўчириш тадбирлари кенг жамоатчиликка суюнган ҳолда олиб борилади. Ёнгин муҳофазасини ташкил қилиш касбий ва ихтиёрий турларга бўлинади.

Касбий ёнгин муҳофазаси ўз навбатида ҳарбийлаштирилган (йирик шаар

ва муҳим объектларга хизмат кўрсатади), ҳарбийлаштирилмаган (туман марказлари ва йирик саноат объектларига хизмат кўрсатади) ва тармоқ (айрим бирлашма ва корхоналарга хизмат кўрсатилади) турларига бўлинади.

Ёнгин хавфи кам бўлган ҳамда кичикроқ корхона ва муассасаларда ёнгин муҳофазаси ва объектни қўриқлаш хизмати биргаликда қўшиб олиб борилади. Корхоналарда ёнгин муҳофазасини ташкил қилиш ва ёнгин чиқишини оғоғлантириш ўт ўчириш техникаси ҳамда қуролларини алоқа ва ўчириш воситаларини жанговар ҳолатда сақлаш, ёнгин чиққан тақдирда уларни ўчиришда фаол қатнашиш, хал мулкини асраб-авайлаб сақлаш борасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришни тақозо этади.

Цех, лаборатория, бўлим, омборхона, устахоналардаги ёнгин хавфсизлиги учун жавобгарлик, уларнинг раҳбарлари ёки шу раҳбарлар вазифасини бажариб турган кишилар зиммасига юклатилади.

Республикамида шаҳарлар, қишлоқлардаги аҳоли зинч яшайдиган жойлар ва халқ хўжалиги объектларининг ёнгин муҳофазасини мустакамлаш учун ёнгинга қарши кураш режа асосида олиб борилади ва шу тўғрисида доим ғамхўрлик қилиб келинади. Ана шу ёнгин муҳофазаси ишининг икки асосий йўналиши бор:

- биринчидан, ёнгиннинг олдини олишга қаратилган илмий-техник ва ташкилий тадбирларнинг режали мажмуи;
- иккинчидан, объектлар, шаҳар ва қишлоқлардаги аҳоли зинч яшайдиган жойларда ёнгинни ўчиришни ташкил қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнгинга арши кураш бошқармасининг вазифаси давлат мулкини, фуқаролар шахсий мулкини ёнгиндан салашдан иборат, шу билан бирга ёнгин назорати ташкилотлари ташкилий, назорат ва маъмурий ишларни амалга оширади. Уларнинг вазифаларига қуйидагилар киради:

- Ҳамма идоралар, корхоналар ва алоҳида шахслар учун мажбурий бўлган ёнгин муҳофазасига доир қоидалар, меъёрлар, йўриқномалар ишлаб чиқиш ва уларни чоп этиш;

- саноат, фуқаро бинолари ва иншоотларини, аҳоли пунктларини лойиҳалаш, қуришда ёнгин хавфсизлиги қоидалари ва меъёрларининг бажарилишини текшириш;
- Ҳамма ташкилотлар, муассасалар, корхоналардаги ўт ўчириш бўлинмаларининг шайлигини ва ўт ўчириш воситаларининг созлигини қаттиқ назорат қилиш ҳамда текшириш.

Ўзбекистон Республикаси ёнгин назорати ташкилотлари ўз вазифаларини муваффақиятли бажаришлари учун уларга қўйидаги хуқуқлар берилган:

- ёнгин хавфсизлиги жиҳатидан қай ҳолатдалигини аниқлаш мақсадида барча саноат бинолари ҳамда иншоотлари, омборхоналар ва уйларни текшириш;
- корхоналар маъмурияти ва алоҳида шахслардан объектларнинг ёнгин хавфсизлиги нуқтаи назаридан қай ҳолатдалигини аниқлаш учун зарур бўлган маълумот ҳамда хужжатларни тақдим этишни талаб қилиш;
- ёнгин хавфсизлиги қоидалари бўзилганлигини аниқлашда корхона раҳбарларига ана шу бўзилишларни бартараф этиш юзасидан мажбурий фармойишлар бериш ва бунинг учун зарур муддатларни белгилаш;
- ёнгин ва портлаш хавфини юзага келтирувчи оида бўзқилишларини аниқлашда ана шу бўзилишлар бартараф этилгунга қадар корхонанинг ишини бутунлай ёки қисман тўхтатиб қўйиш;
- ёнгин хавфсизлиги қоидаларининг бўзилиши ёки бажарилмаслигига айбдор бўлган кишиларни маъмурий ёхуд жиноий жавобгарликка тортиш.

Ишчи-хизматчилар ўз иш ўрнидаги ёки ўзи ишлайдиган бўлинмадаги ёнгин хавфсизлиги талабларини яхши билишлари ва уларга қатъий амал қилишлари, ўт ўчириш воситаларидан фойдалана олишлари, меҳнат ҳамда технология интизомига қатъий риоя қилишлари, ёнгин ҳамда портлаш жиҳатидан хавфли модда ва ашёларни ишлатишни билишлари зарур.

Ишчилар, хизматчилар ва мухандис-техник ходимларининг кўпчилиги жалб этилгандагина корхона, муассаса ҳамда ташкилотларда ёнгинга қарши

муваффаиятли кураш олиб бориш мумкин. Бунинг учун ҳар бир объектда ёнғин-техник комиссияси тўзилади. Комиссияга бош мухандис, техник раҳбар ёки раҳбарнинг биринчи ўринbosари бошчилик қилади, уларнинг вазифаси қўйидагилардан иборат:

- ёнғинни олдини олиш қоидаларининг бўзилишларини ва ёнғин чиқишига олиб келувчи камчиликларни аниқлаш, уларни бартараф этиш тадбирларини ишлаб чиқиш;
- объектив ёнғиннинг олдини олиш тартибини ишлаб чиқиш ва уларни ўтказишида қатнашиш;
- ишчи-хизматчилар ва мухандис-техник ходимлар ўртасида ёнғиннинг олдини олиш тартиби ҳамда қоидалари бўйича оммавий тушунтириш ишини олиб бориш.

Бу вазифаларни бажариш учун ёнғин техник-комиссияси ишлаб чиқариш хоналари, электр жиҳозлари, шамолатиш, иситиш тизимлари ва шу кабиларни кўздан кечириб, қоида бўзилишларини аниқлайди ҳамда уларни бартараф этиш муддатларини белгилайди; ишловчилар ўртасида ёнғиннинг олдини олиш мавзуларида сұхбатлар, лекциялар ўтказади; ратионализаторлар ҳамда ихтирочилар учун мавзулар ишлаб чиқишида қатнашади; цехлар, бўлимлар, омборхоналар, лабораториялар ва ҳоказоларнинг ёнғинга қарши ҳолатини текширишга кенг жамоатчиликни жалб этади.

Ҳар қандай объектда ёнғинни муваффақиятли ўчириш учун ёнғинга қарши курашиш тадбирларини олдиндан амалга ошириш катта аҳамиятга эга. Корхоналардаги ёнғинларнинг ҳарактерли хусусиятларидан бири шуки, ёнғиннинг бошланишида ҳарорат тез кўтарилади ва қуюқ тутун ажralиб чиқади. Масалан, аланганинг ўртача тарқалиш тезлиги тўқимачилик корхоналарда $0,35\text{-}0,65$ м/мин. бўлса, чанг ва момик юзаларга тўпланиб қолган ҳолларда 1-2 м/мин. ни ташкил этади. Тажрибаларнинг кўрсатишича корхона цехларида алангана майдонининг тарқалиш тезлиги $8\text{-}12$ м²/мин. ни ташкил этади.

Бунинг оқибатида ёнгинни бошланғич давридаёқ ўчириш имкони бўлмайди. Шу билан бирга бу шароит кишиларни эвакуатсия қилиш ишини, ўт ўчириш бўлимларининг фаолиятини қийинлаштиради. Агар ўтни ўчириш бўйича самарали тадбирлар зудлик билан амалга оширилмаса, ёнгин тезда ривожланиб, катталашиб кетади.

Буларнинг ҳаммаси корхонани ёнгинга қарши ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўришга мажбур қиласди. Бу тайёргарликнинг асосий шартларидан бири ёнгинни ўчириш бўйича тезкорлик билан режа ишлаб чиқишидир. Бунинг учун шароитни ҳисобга олган ҳолда, бўлиши мумкин бўлган энг мураккаб ёнгин кўзда тутилади ва унинг асосида воситалар ва кишилар сони ҳисоблаб чиқилади.

Тезкорлик билан тўзилган режа чизма ҳамда матндан иборат бўлади. Чизма қисмида корхонанинг асосий ишлаб чиқариш биноси ва унга ёндошган ёрдамчи бинолар, йўллар ва сув манбаларининг биргаликдаги схемаси кўрсатилади. Режада ўт ўчириш учун ишлатилиши мумкин бўлган барча сув манбалари, улар билан бино орасидаги масофалар кўрсатилиши ва ўт ўчириш бўлимлари ўз насосларини қайси сув манбаига ўрнатишлари ҳам кўрсатилиши керак. Зарур бўлса, кўп қавақтли биноларда ҳар бир қавақтнинг режаси ва унинг қирқими илова қилинади. Бу режа барча зарурий ахборотлар билан таъминланиши лозим.

Режанинг матн қисмида шу бинонинг ўзига хос хусусиятлари, ёнгин пайтида одамларни эвакуатсия қилиш, моддий бойликларни сақлаб қолиш, келаётган ўт ўчириш бўлимларининг еркин ҳаракат қилишлари ва қутқарув ишларини амалга ошириш тадбирлари кўрсатилади. Режада ўт ўчириш штабига корхона маъмурияти вакилларини жалб қилиш кўзда тутилади. Бунда ёнгин пайтида ўт ўчириш штабига жалб қилинган ҳар бир раҳбар нима қилиш аниқ ва тўлиқ ёзиб чиқилади.

Саноат корхонасининг ёнгин жиҳатидан хавфсизлиги корхона ҳудудида бинолар, автомобил йўллари, темирйўлларининг оқилона жойлаштирилишига, сув резервуарлари, ўт ўчирувчилар депосининг мавжудлиги ҳамда

жойлашувига кўпроқ эътибор берилади.

Корхонанинг бош режасида ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларнинг жойлашуви шамол йўналишининг қўлдастасига асосан лойиҳаланади. Корхона ҳудуди энг яқин тураржой даҳасига нисбатан шамолга тескари томонда жойлаштирилади. Ёнгин жиҳатидан энг хавфли бино ва иншоотлар ҳам корхонанинг бош режасида шу нуқати назар асосида, бино ҳамда иншоотларнинг гурухланишини ҳисобга олиб, ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни ва ёнгин хавфи белгиларидан келиб чиқсан ҳолда жойлаштирилиши лозим.

4.3. Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофикаштириш ва ривожлантириш маркази Самарканд вилоят бошкармасида фавқулодда ҳолатлар доирасидаги чора-тадбирлари

Фавқулодда вазият (ФВ)¹⁷ — маълум ҳудудда юз берган фалокат, ҳалокат ва бошқа турдаги оғатлар натижасида кишиларнинг ўлимига, саломатлигига, теварак атрофдаги табиий мухитга сезиларли моддий зарар этказувчи, одамларнинг турмуш шароитини бўзилишига олиб келадиган ҳолатдир. Фавқулодда вазиятлар хавфнинг тарқалиш тезлигига кўра, куйидаги гуруҳларга бўлинади:

- а) тасодифий ФВ — ер силкиниши, портлаш, транспорт воситалардаги авариялар ва бошқалар;
- б) шиддатли ФВ — ёнғинлар, заҳарли газлар отилиб чиқувчи портлашлар ва бошқалар;
- в) мўтадил (ўртача) ФВ — сув тошқинлари, вулқонларнинг отилиб чиқиши, радиоактив моддалар оқиб чиқувчи авариялар ва бошқалар;
- г) равон ФВ — секин-аста тарқалувчи хавфлар: қургоқчилик, эпидемияларнинг тарқалиши, тупроқнинг ифлосланиши, сувни кимёвий моддалар билан ифлосланиши ва бошқалар.

Техноген тусдаги Фавқулодда вазиятларга 7 хил турдаги вазиятлар

¹⁷ Фавлукотда вазият кейингиларда-ФВ

киради:

1) Транспортлардаги авариялар ва ҳалокатлар — экипаж аъзолари ва йўловчиларнинг ўлимига, ҳаво кемаларининг тўлиқ парчаланишига ёки қаттиқ шикастланишига ҳамда қидирув ва аварияқидирув ишларини талаб қиласиган авиа ҳалокатлар;

Ёнфинга, портлашга, ҳаракатланувчи таркибининг бўзилишига сабаб бўлган ва темир йўл ходимларининг ҳалокат ҳудудидаги темир йўл платформаларида, вокзал биноларида ва шаҳар иморатларида бўлган одамлар ўлимига, шунингдек, ташланган кучли таъсир қўрсатувчи заҳарли модда (КТЗМ)лар билан ҳалокат жойига туташ ҳудуднинг заҳарланишига олиб келган темир йўл транспортвдаги ҳалокат ва фалокатлар;

Портлашларга, ёнгинларга, транспорт восигаларининг парчаланишига, ташилаётган КТЗМларнинг зарарли хоссалари намоён бўлишига ва одамлар ўлими (жароҳатланиши, заҳарланиши)га сабаб бўладиган автомобил транспортининг ҳалокати ва авариялари, шу жумладан, йўлтранспорт ходисалари;

Одамларнинг ўлимига, шикастланишига ва заҳарланишига, метрополитен поездлари парчаланишига олиб келадиган метрополитен бекатларидаги ва тунелларидаги ҳалокатлар, авариялар, ёнгинлар;

Газ, нефт махсулотларининг отилиб чиқишига, очик нефт ва газ фаввораларининг ёниб кетишига сабаб бўладиган магистрал қувурлардаги авариялар.

2) Кимёвий хавфли объектлардаги авариялар:

Теваракатроф табиий мухитга таъсир қилувчи заҳарли моддаларнинг (авария ҳолатида) одамлар, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг қўплаб шикастланишига олиб қелиши мумкин бўлган ёки олиб қелган тақдирда, йўл қўйиладиган чегаравий концентрациялардан анча ортиқ микдорда санитария — ҳимоя ҳудудидан четга чиқишига сабаб бўладиган кимёвий хавфли объектлардаги авариялар, ёнгин ва портлашлар.

3) Ёнгин, портлаш хавфи мавжуд бўлган объектлардаги авариялар:

Технологик жараёнда портлайдиган, осон ёниб кетадиган ҳамда бошқа ёнғин учун хавфли моддалар ва материаллар ишлатиладиган ёки сақланадиган объектлардаги одамларнинг механик ва термик шикастланишларига, заҳарланишларига ва ўлимiga, асосий ишлаб чиқариш захираларининг нобуд бўлишига, Фавқулодда вазиятлар худудларида ишлаб чиқариш маромининг ва одамлар ҳаёт фаолиятининг бўзилишига олиб келадиган ёнғинлар ва портлашлар;

Одамларнинг шикастланишига, заҳарланишига ва ўлимiga олиб келадиган ҳамда қидиув-қутқариш ишларини ўтказишни, нафас олиш органларини муҳофаза қилишнинг маҳсус анжомларини ва воситаларини қўллашни талаб қилувчи кўмир шахталаридаги ҳамда конруда саноатидаги газ ва чанг портлаши билан боғлиқ авариялар, ёнғинлар ва жинсларнинг қўпорилиши.

4) Энергетика ва коммунал тизимлардаги авариялар: Саноат ва қишлоқ-хўжалиги маҳсулотлари истеъмолчиларининг авария туфайли энергия таъминотисиз қолишига ҳамда аҳоли ҳаёт фаолиятининг бўзилишига олиб келадиган ГЕС, ГРЕС, ИЭСлардаги, туман иссиқлик марказларидаги электр тармоқларцдаги буғқозон қурилмаларидаги, компрессор, газ тақсимлаш шахобчаларидаги ва бошқа энергия таъминоти объектларидаги авариялар, ёнғинлар, аҳоли ҳаёт фаолиятининг бўзилишига ва саломатлигига хавф туғилишига олиб келадиган газ қувурларидаги, сув чиқариш иншоотларидаги, сув қувурларидаги, канализация ва бошқа коммунал объектлардаги авариялар;

Атмосфера, тупроқ, ер ости ва ер усти сувларининг одамлар саломатлигига хавф туғдиувчи даражада концентрациядаги зарарли моддалар билан ифлосланишига сабаб бўладиган газ тозалаш қурилмаларидаги, биологик ва бошқа тозалаш иншоотларидаги авариялар.

5) Бино ва иншоотларнинг бирдан қулаб тушиши билан боғлиқ авариялар:

Одамлар ўлими билан боғлиқ бўлган ва зудлик билан аварияқутқарув

үтказилишини ҳамда зарар кўрганларга шошишнч тиббий ёрдам кўрсатилишини талаб қиладиган мактаблар, касалхоналар, кинотеатрлар ва бошқа ижтимоий йўналишдаги обьектлар, шунингдек, уй-жой сектори бинолари конструкцияларининг тўсатдан бўзилиши, ёнғинлар, газ портлаши ва бошқа ходисалар.

6) Радиоактив ва бошқа хавфли ҳамда экологик жихатдан зарарли моддалардан фойдаланши ёки уларни сақлаш билан боғлиқ авариялар:

Санитария-химоя худуди ташқарига чиқариб ташланиши натижасида пайдо бўладиган юқори даражадаги радиоактивлик одамларнинг йўл кўйиладиган қўп миқдорда нурланишини келтириб чиқарадиган технологик жараёнда радиоактив моддалардан фойдаланадиган обьектлардаги авариялар; радиоактив материалларни ташиб вақтидаги авариялар; радиоизотоп буюмларнинг йўқотилиши; биологик воситаларни ва улардан олинадиган препаратларни тайёрлаш, сақлаш ва ташибни амалга оширувчи илмий-тадқиқот ва бошқа муассасаларда биологик воситаларнинг атроф-мухитга чиқиб кетиши ёки йўқотилиши билан боғлиқ вазиятлар.

7) Гидротехник иншоотлардаги ҳалокатлар ва авариялар: Сув омборларида, дарё ва каналлардаги бўзилишлар, баланд тоғлардаги йўллардан сув уриб кетиши натижасида вужудга келадиган ҳамда сув босган худудларда одамлар ўлимига, саноат ва қишлоқ хўжалиги обьектлари ишининг, аҳоли ҳаёт фаолиятининг бўзилишига олиб келадиган ва шошилинч кўчириш тадбирларини талаб қиладиган ҳалокатли сув босишлари.

Экологик тусдаги фавқулодда вазиятлар. Экологик тусдаги ФВлар асосан 3 хил бўлади:

1. Куруқлик (тупроқ, ер ости)нинг ҳолати ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар: ҳалокатли кўчкилар — фойдали қазилмаларни қазиш чоғида ер остига ишлов берилиши ва инсоннинг бошқа фаолияти натижасида ер юзасининг ўпирилиши, силжиши;

Тупроқ ва ер саноати туфайли келиб чиқадиган токсикантлар билан

ифлосланиши, оғир металлар, нефт махсулотлари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида одамларнинг соғлиги учун хавф солувчи концентрацияларда қўлланиладиган пестицидлар ва бошқа заҳарли химикатлар мавжудлиги.

2. Атмосфера (ҳаво мухити) таркиби ва хоссалари ўзгариши билан боғлиқ бўлган вазиятлар:

Ҳаво мухитининг қуидаги ингридиэнтлар билан экстремал юқори ифлосланиши:

— олtingугуртли оксид, азотли оксид, углеродли оксид, диоксид, курум, чанг ва одамлар соғлигига хавф солувчи концентрацияларда антропоген тусдаги бошқа заарли моддалар;

— кенг кўламда кислотали ҳудудлар ҳосил бўлиши ва кўп миқдорда кислота чиқиндилари ёғилиши;

— радиациянинг юқори даражаси.

3. Гидросфера ҳолатининг ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар:

Ер юзаси ва ер ости сувларининг саноат ва қишлоқ-хўжалиги ишлаб чиқариши оқовалари;

Нефт махсулотлари, одамларнинг заҳарланишига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган, таркибида оғир металлар, ҳар хил заҳарли химикатлар мавжуд чиқиндилар ва бошқа заарли моддалар билан экстремал юқори даражада ифлосланиши;

Бинолар, мухандислик коммуникациялари ва уй-жойларнинг эмирилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган сизот сувлар миқдорининг ортиши;

Сув манбалари ва сув олиш жойларининг заарли моддалар билан ифлосланиши оқибатида ичимлик сувининг кескин етишмаслиги.

Ҳозирги вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — БМТ бўйича фавқулодда вазиятларнинг тавсифига яна қўшимча қилиб:

а) ижтимоий-сиёсий тавсифдаги ФВ;

б) ҳарбий тавсифдаги ФВ ни киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра бизнинг минтақада 7 хил ФВ турлари тасдиқланган:

1. Зилзилалар, ер сурилиши;
2. Сел, сув тошқинлари ва бошқалар;
3. Кимёвий хавфли объектларда авария ва фалокатлар (ўткир заҳарли моддаларнинг ажралиб чиқиши);
4. Портлаш ва ёнғин хавфи мавжуд объектлардаги авария ва фалокатлар;
5. Темир йўл ва бошқа транспорт воситаларида ташиш пайтидаги авария ва фалокатлар;
6. Хавфли эпидемияларнинг тарқалиши;
7. Радиоактив манбалардаги авариялар.

Фуқаро муҳофазаси давлат тизимлари — ҳарбий даврда ҳам, тинчлик даврида ҳам юзага келадиган хавфлардан ахолини, худудларни, моддий бойликларни муҳофаза қилишда мухим вазифаларни бажаради. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилган «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида» ги қонунида ўз аксини топган.

4.4. Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофикалаштириш ва ривожлантириш маркази Самарканд вилоят бошкармасида фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилиб келаётган ишлари ва уни мукаммалаштириш йўллари

Касал бўлиб қолганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда ва бошқа ҳолларда фуқаролар профилактик, ташхис қўйиш-даволаш, куч-куватни тиклаш, санаторий-курорт, протез-ортопедия ёрдами ва бошқа хил ёрдамни, шунингдек bemorlarни, меҳнатга лаёқатсиз ва ногирон кишиларни боқиши парваришилаш юзасидан ижтимоий чора-тадбирларни, шу жумладан, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўлашни ўз ичига оладиган тиббий-ижтимоий ёрдам олиш хукуқига эга.

Тиббий-ижтимоий ёрдам тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассислар томонидан кўрсатилади.

Фуқаролар ўзларини ихтиёрий равишда тиббий суғурта қилдириш асосида, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маблағлари, ўз шахсий маблағлари ҳамда қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қўшимча тиббий ва бошқа хил хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг айрим тоифалари протезлар, ортопедик ва мослама буюмлар, эшитиш аппаратлари, ҳаракатланиш воситалари ва бошқа маҳсус воситалар билан имтиёзли тарзда таъминланиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳуқуққа эга бўлган фуқароларнинг тоифаларини, шунингдек уларни таъминлаш шартлари ва тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Фуқаролар ихтисослашган соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларида тиббий экспертизадан ўтиш ҳуқуқига эга.

Биринчи медицина ёрдамининг аҳамияти ва шундай ёрдам беришнинг қоидалари

Биринчи медицина ёрдамининг вазифаси энг оддий чораларни кўриш билан шикастланган одам ҳаётини қутқариб қолиш, унинг азоб-уқубатларини камайтириш, рўй бериши эҳтимол асоратларнинг олдини олиш, шикаст ёки касалликнинг ўтишини енгиллаштиришдан иборатdir.

Биринчи медицина ёрдами шикастланиш ҳодисаси рўй берган жойда шикастланган одамнинг ўзи (ўз-ўзига ёрдам бериш), ўртоғи (ўзаро ёрдам), санитар дружиначилар томонидан берилиши мумкин. Биринчи медицина ёрдамига кирадиган чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат: қон оқишини вақтинча тўхтатиб қўйиш, баданнинг жароҳатланган ва куйган жойига стерил боғлам қўйиб боғлаш, сунъий нафас олдириш ва юракни билвосита массаж қилиш, антидотлар билан укол қилиш, антибиотиклар бериш, оғриқ қолдирадиган дорилар юбориш,(шок маҳалида), ёниб турган кийимни учирish, транспортда олиб бориш учун шикастланган жойни қимирламайдиган қилиб боғлаб қўйиш (транспорт иммобилизацияси),

одамнинг баданини иситиш, иссиқ ва совуқдан пана қилиш, противогаз кийгизиш, шикастланган кишини заҳарланган жойдан олиб чиқиш, қисман санитар обработкасидан ўтказиш.

Биринчи медицина ёрдамини мумкин қадар эрта муддатларда кўрсатиш касаллик ва шикастнинг кейии қандай ўтиши ҳамда окнбати нима билан тугаши учун, баъзида эса ҳаётни қутқариб қолиш учун ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Кўп қон кетиб турганда, одам злектр токидан шикастланган, сувга чўккан пайтида, юрак фаолияти тўхтаб, нафаси чиқмай қолган пайтда ва бир қанча бошқа ҳолларда биринчи медицина ёрдами дарҳол кўрсатилиши керак.

Хулоса

Хосила молиявий воситалар бозоридаги операцияларнинг рисклилик даражаси юқорилиги ушбу бозорда иккита асосий муаммо шаклланишига асос бўлади. Биринчидан, молия тизимига салбий таъсир кўрсатиш мақсадида улардан атайлаб фойдаланиш, иккинчидан, ҳосила молиявий воситалардан нотўғри ва малакасиз фойдаланиш иқтисодий барқарорликка хавф солади.

Мамлакатимизда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида молиявий инновациялар билан боғлиқ операцияларнинг тижорат банклари томонидан амалга оширилишига бир қатор тўсиқлар мавжудлиги улар тараққиётини секинлаштирум оқда.

Биринчидан, молиявий инновацияларнинг юридик мақоми аниқ белгилаб берилмаган. Иккинчидан, улар билан операцияларни аниқ тартибга солувчи қонун ости меъёрий хужжатлар мавжудмас. Учинчидан, миллый бухгалтериямизда уларнинг ҳисобини юритиш механизми ишлаб чиқилмаган.

Умуман, сўнгги пайтларда инновацион молиявий маҳсулотлар, айниқса, ҳосила молиявий воситалар ҳажмининг сезиларли даражада ортиши ва уни тартибга солишининг самарали тизими шакллантирилмагани молия ва реал сектор ўртасида кескин номутаносибликтининг юзага келишига, инқироз даврида молия бозорида бекарорликнинг ортишига туртки берди. Уларнинг микродарражада рискларни хеджирлаш, камайтириш, бошқариш ва фойда олиш имкониятини яратишини, аммо пировардида иқтисодиётда тизимли рискларни юзага келтиришини молия бозорини ривожлантириш ва барқарорлигини таъминлашда инобатга олган маъқул.

Қимматли қоғозлар бозорининг назарий ривожланиш заминини таҳлил қилиш асосида қўйидаги хуросаларга келинди:

- қимматли қоғозлар бозорининг ўзига хос жиҳатларидан бири – хусусий корхоналарда етарли даражада ўз сармоясига эга бўлмаслиги сабабли банклар акциялари билан операциялар олиб боришидир. Қимматли

қоғозлар бозори мазкур жараёнда барча мулк шаклларидағи корхоналар тенг ҳуқуқда иштирок этишини таъминлаши зарур. Бундай ҳуқуқнинг етарли даражада таъминланмаганлиги фонд бозори қуввати тұла ишга тушишига салбий таъсир этмоқда;

- ахоли омонатлари ўсиб боришини таъминлаш талаб даражасида эмас. Бу муаммони ҳал этиш учун акцияларнинг ликвидлиги механизмини бозор иқтисодиёти шароитидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш ва кафолатлаш лозим;

- қимматли қоғозлар бозорида маънавий ва иқтисодий мұхит етарли даражада шаклланмаганлиги бундай қоғозларнинг сотилиш даражасига салбий таъсир күрсатмоқда. Ахолининг қимматли қоғозларга бўлган ишончини ошириш уларга тўланадиган дивиденд даражаларига боғлик:

- қимматли қоғозлар бозорининг шаклланишида иштирок этувчи барча муассасалар ва корхоналар ўртасида ташкилий ўзаро муносабатлар ва масъулиятни аниқ белгилаш, шунингдек, фонд бозорига чиқувчи хўжалик субъектларининг эмиссия қилинаётган акцияларига оид тўлиқ ахборот очиқлигини таъминлаш лозим.

Магистерлик диссертация ишини бажариш жараёнида қўйдаги илмий хулюсалар шаклланди:

1. Жаҳон иқтисодиёти молия бозорларидаги активлар баҳосининг асосиз ўсиши, “спекулятив кўпиклар”га бир неча бор дуч келишига қарамасдан, хозиргача уларни бартараф этишнинг илмий-амалий усуллари ишлаб чиқилган эмас. Бундан ташкари, монетар органларнинг активлар баҳосининг бундай асосиз ўсишига йўл қўймаслик бўйича стратегиялари масаласи назарий жиҳатдан ҳам ўз ечимини топмаган;

2. Молия бозорига, хусусан, қимматли қоғозлар бозорига шунингдек фонд бозорини самарали тартибга солиш чораларининг зарурияти ортмоқда, яъни молиявий глобаллашув, спекулятив капитал, инсайдерлик ахборотлари оқибатида молия бозори ривожланиши жадаллашган, халқаро молия бозори

ривожланишининг охирги босқичида иқтисодиётнинг реал сектори ва молия тизими ўртасида номувофиқлик кескинлашиб кетган ва реал қийматга эга бўлмаган молиявий активларнинг қўпайишига сабаб бўлган, натижада молия бозорида инқирозлар юзага келган.

3. Бозор иқтисодиёти яна бир бор ўзини-ўзи самарали тартибга солишининг уddасидан чиқмади ва натижада бозорни давлат томонидан тартибга солинишини қўллаб-қувватловчилар сони қўпаймоқда. Шунингдек, халкаро молия бозори ривожланишининг замонавий босқичида, ушбу бозор фаолиятини мувофиқлаштирувчи ташкилотлар тартибга солишининг бозор механизмларига кўпроқ эътибор беришган;

3. Халкаро қарз қимматли қоғозлар халкаро фонд бозорида капитални жалб этишнинг ва операцияларнинг асосини ташкил этган, акциялар бозоридаги пасайиш асосан ривожланаётган мамлакатлар ҳисобига бўлган ва ушбу бозорларда ривожланган мамлакатлар, халкаро қарз қимматли қоғозлар бозори сегментида эса молиявий институтлар етакчилик қиласди;

4. Ривожланаётган мамлакатлар фонд бозорининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича диверсификациялашув даражасини кичиклиги инқироз даврида унинг барқарорлигига салбий таъсир қўрсатган ва савдолар хажми пасайган;

5. Жаҳон иқтисодиётининг ўзгариши молия бозори, хусусан қимматли қоғозлар бозори ва суғурта бозоридаги операцияларга халкаро инвестицион позиция активлари эса молиявий глобаллашув жараёнини ўзида намоён этган ҳолда халкаро кредитлар ва халкаро қимматли қоғозлар миқдорига кўпроқ боғлик. Истиқболда молия бозоридаги глобаллашув жараёни халкаро молиявий воситалар хажмининг ортиб бориши ҳисобига жадаллашиб боради.

6. Инновацион молиявий маҳсулотлар, айниқса ҳосила молиявий воситалар ҳажмини сезиларли даражада ортиши ва уни тартибга солишининг самарали тизими шакллантирилмаганлиги, инқироз даврида молия бозорида бекарорликнинг ортишига сабаб бўлди. Уларнинг микродаражада рискларни

хеджерлаш, камайтириш, бошқариш ва фойда олиш имкониятини яратишини, аммо пировардида иқтисодиётда тизимли рискларни юзага келтиришини молия бозорини ривожлантириш ва баркарорлигини таъминлашда инобатга олиш лозим.

Магистерлик диссертациядаги тадқиқотлар натижаларига асосланиб, қуидаги таклифларни ишлаб чиқишга муваффақ бўлинди.

1. Мамлакатимиз фонд бозорининг капиталлашув даражасини янада ошириш, унинг жаҳон молиявий инқирозидан кейинги даврда барқарор ривожланишини таъминлаш учун молия бозорини ривожлантириш концепциясини қабул қилиш мақсадга мувофиқдир. Концепцияда устувор йўналиш сифатида қуидагилар акс эттирилиши лозим:

- молиявий ресурсларнинг доиравий айланмасидан четда бўлган маблағларни молия бозорига жалб этиш, уларга муҳтож бўлганларни тўлиқ таъминлаш ва бу ресурслардан самарали фойдаланиш;
- фонд бозорининг капиталлашуви, тармоқлар ва худудлар бўйича диверсификациялашув даражасини ошириш;
- молия бозори сегментларини ўзаро мувофиқлашган холда ривожланишини таъминлаш шарт-шароитлари;
- спекулятив операциялар хажмини камайтириш, узоқ муддатли хусусий ва жамоавий инвестициялар кўламини кенгайтириш.

2. Замонавий молия бозорларига хос хусусиятларни инобатта олган холда унда миллий молия бозори савдо ташкилотчиларининг халқаро рақобатбардошлигини кучайтириш ва биржаларда молиявий активлар ликвидлилигини ошириш учун уюшган молия бозорнинг ривожланишини жадаллаштириш ва биржа инфратузилмасини оптималлаштириш лозим.

3. Мамлакатимиз молия бозорида ҳосила молиявий воситалар билан операцияларни реал иқтисодиёт ёки молия бозоридаги базис активлар муомаласи доирасида амалга оширишни йўлга кўйиш, спекулятив характер касб этадиган ҳосила молиявий воситалар билан операцияларни чеклаш механизmlарини жорий этиш мақсадга мувофик;

4. Молия бозорида ликвидлиликин ошириш мақсадида молиявий активлар секьюритизацияси учун зарурий шарт-шароитларни яратиш, кредитларнинг иккиласми бозорини шаклланишига монанд тарзда секьюритизациялаш амалиётларини тартибга солиш, хусусан, секьюритизацияланган қимматли қоғозларнинг асосини ташкил этувчи кредит пакета таркиби ва сифати борасида ахборотларнинг шаффофлигини таъминлаш зарур.

5. Молия бозоридаги ликвидлиликин тартибга солиш мақсадида Марказий банкнинг РЕПО, СВОП операцияларини ривожлантириш, ломбард кредитларини ажратиш учун ломбард рўйхатини эълон қилиш ва унга барқарор корпоратив қимматли қоғозларни хам киритиш лозим. Кредит ресурслари кимошли савдоларини ривожлантириш орқали кредит ставкаларига таъсир кўрсатиш, қайта молиялаш ставкаларини кредит бозоридаги ўртacha ставкалар асосида аниқлаш механизмини жорий этиш лозим.

1.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2014. – 40 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси (Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2013 йил 26 декабр ЎРҚ-360-сон қарори билан тасдиқланган).
3. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонуни. 2003 йил 11 декабрь 558-П-сон билан қабул қилинган.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармони. 24.04.2015 йилда ПФ-4720-сон билан қабул қилинган.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни. 2014 йил 6 май ЎРҚ-370-сон билан қабул қилинган.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги ПФ-4947-сонли Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-2699-сонли қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-3454-сонли қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик

муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ти ПФ-4848-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси www.lex.uz сайти.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 2017 йил 13 декабрдаги ПФ-5147 сонли “Маҳаллий давлат ҳокимият органларининг молиявий эркинлигини ошириш, маҳллий бюджетларга тушимларнинг тўлиқлигини таъминлаш бўйича солик ва молия органлари жавобгарлигини кўчайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ти Фармони
11. Ш.М.Мирзиёевнинг Вазирлар Махкамасининг мамлакатимизни 2016 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини хар томонлама таҳлил қилиш хамда республика хукуматининг 2017 йил учун иқтисодий ва ижтимоий дастури энг муҳим йұналишлари ва устувор вазифаларини белгилашга багишланган кенгайтирилган мажлисидаги Мурожаатномаси, 2017 йил 14 январь.
12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Махкамаси мажлисидаги маъruzаси, Халқ сўзи , январь 2016 йил
13. Мирзиёев Ш.М. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – хар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак”. –Т.: Ўзбекистон, 2017 йил.
14. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Zarafshon. 2017 йил 23 декабр, 157 сон.
15. Мирзиёев Ш.М. “Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз” - Т.: Ўзбекистан, 2017 йил.
16. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, ҳалқимиз фаровонлигини оширишга ҳизмат қиласди.-Т.:

Узбекистан, 2011й. -39-6.

- 17.Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 1995 йил.
- 18.Каримов И.А “Бош мақсадимиз – иқтисодиётимизда олиб бораётган ислоҳотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришдир”. - Т.: Ўзбекистон, 2016 йил.
- 19.Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 1995.
- 20.Каримов И.А. Асосий вазифамиз - жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат. – Т.: Ўзбекистон, 2015.
- 21.Абулқосимов Х.Р., Хамраев О.Я. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2014. – 304-б.
- 22.Вахабов А.В. ва бошқ. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod-moliya, 2014. – 372 б.
- 23.Вахабов А.В., Санакулова Б.Р. Кичик бизнес ва тадбиркорликни солиқса тортиш. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 388-б.
- 24.Вахабов А.В. ва бошқ. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги: ўқув қўлланма.-Т.: Иқтисод-молия, 2005.-480 б
- 25.Вахабов А.В. Маликов Т.С. Молия: умумназарий масалалар. Укув қўлланма. - Т.: Iqtisod-Moliya, 2008. – С.313.
- 26.Коллектив авторов под редакцией д.э.н. Сембиевой Л. М., д.э.н. Мадияровой Д.М. Проблемы и перспективы развития РЦБ в условиях глобализации (опыт Казахстана, Азербайджана и Узбекистана). Монография. – Астана: ИП «Булатов А.Ж.», 2015. – 264 с.
- 27.Корпоративные финансы. Учебник для Вузов. Под ред Бочарова В.В-М.: ФБК-Пресс, 2004.
- 28.Лукьянова З.А., Горская О.В.,Рерих Л.М.,Третьякова О.В., Степанова Л.Ю.Финансы. – Новосибирск: НГУЭУ, 2008.-С.352.

- 29.Лапыгин Ю.Н. Инвестиционная политика: учебное пособие / А.А. Балакирев, Е.В. Бобкова и др.; под ред. Ю.Н. Лапыгина. – М.: “КНОРУС”, 2011. – 320 с.
- 30.Левенцев Н.Н., Костюнина Г.М. Международное движение капитала (Инвестиционная политика зарубежных стран): Учебник. – М.: Экономистъ, 2009. – 368 с.
- 31.Лукасевич И. Я. Финансовый менеджмент. Учебник. – М.: ЭКСМО, 2010. – 768 с.
- 32.Маликов Т.С. Молия. – Т.: Шарқ, 2018. – 277 б.
- 33.Mamatov B.S. va boshq. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish. Darslik. – Т.: Iqtisod-moliya, 2014. – 608 б.
- 34.Нурмухамедова Б., Кабирова Н. Финансы. Учебное пособие. – Т.: Iqtisod-moliya, 2010.
- 35.Рахимов М.Ю. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 392-б.
- 36.Сайдов Д., Қуллиев И. Пул муомаласи ва кредит. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2014. – 268-б.
- 37.Суэтин А.А. Международные валютно-финансовые отношения: учебник / А.А. Суэтин. - 4-е изд., перераб. и доп. – М.: КНОРУС, 2010. – 440 с.
- 38.Ткаченко И.Ю., Малых Н.И. Инвестиции: учеб. Пособие. – М.: Академия, 2009. – 240 с.
- 39.Тошматов Ш.А. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиқقا тортиш асослари. – Т.: Молия, 2012. – 97 б.
- 40.Тошмуродова Б.Э., Элмирзаев С.Э. Корпоратив солиқ менежменти. – Т.: Мумтоз сўз, 2010. – 104 б.
- 41.Тошмуродова Б.Э., Элмирзаев С.Э., Ахмедов Х.Р. Корпоратив молия стратегияси. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 128 б.
- 42.Ушаков И. И. Как привлечь инвестиции – СПб.: Питер, 2011. – 224 с.
- 43.Хазанович Э.С. Иностранные инвестиции: Учебное пособие – М.: КНОРУС, 2011. – 312 с.

- 44.Хўжаев Э.Н. Молия бозори ва қимматли қоғозлар. Маъруза матни. – Самарқанд. – СамиСИ. 2007. -224 б.
- 45.Ходиев Б.Ю., Карлибаева Р.Х., Расулов Н.М. Корпоратив бошқарув: Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2011. -301 б.
- 46.Хусанов F. ва бошқалар. Молиявий менежмент. – Т.: 2008
- 47.Черкасов В.Е. Международные инвестиции. Учебно-практическое пособие. – М.: Дело, 2010. – 160 с.
- 48.Шодибекова Д.А. Кичик бизнесни бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: 2010. 280 б.
- 49.Шарп У., Александр Г., Бейли Дж. Инвестиции: Пер. С англ. – М.: ИНФРА – М., 2011. – XII, 1028 с.
- 50.Юлдашев С. ва б. Молиявий менежмент. – Т.: Ворис, 2013

Интернет сайtlари:

<http://www.iqtisodiyot.uz>

<http://www.mf.uz>

<http://www.lex.uz>

<http://www.stat.uz>